

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА  
ИШЛАШ ВА САҚЛАШ ШАРТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ,  
ХҮЛ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР  
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАР  
МАРКЕТИНГИ**





**IFAD**  
INTERNATIONAL  
FUND FOR  
AGRICULTURAL  
DEVELOPMENT

Халқаро қишлоқ  
хўжалиги тараққиёти  
жамғармаси (IFAD)



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуринда  
Қишлоқ хўжалиги корхоналарини  
таркибий қайта тузиш Агентлиги

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-  
САБЗОВОТЧИЛИК ТАРМОФИ РИВОЖЛАНИШИНинг  
ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ”ЛОЙИҲАСИ**

**“МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА  
ИШЛАШ ВА САҚЛАШ ШАРТЛАРИ, УСУЛЛАРИ, ХҮЛ  
ҲАМДА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР  
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАР  
МАРКЕТИНГИ” БЎЙИЧА**

**ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2016  
«Tafakkur» нашриёти

**УДК: 372.8.59(45)**

**КБК:45.262.86**

Уибу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуринда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузили Агентлиги буортмаси ҳамда Ҳалқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамгармаси (IFAD) молиявий кўмаги асосида академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боздорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ҳодимлари ва “Expert Info” МЧЖ мутахассислари томонидан тайёрланган.

Қўлланмада мамлакат иқтисодиётida экспорtnинг аҳамияти ва уни амалга ошириш босқичлари, мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишишнинг ҳозирги ҳолати, уларни сақлаш ва қайта ишишни ташкил этиши, шунингдек сақлаш ва қайта ишиш усуслари, техника ва технологиялар, уларнинг афзалотлари, миллий ва ҳалқаро “GLOBALGAP” стандарти моҳияти ва аҳамияти, уни жорий этиши чоралари келтирилган.

Қўлланма қишлоқ хўжалик мутахассислари, деҳқон, фермер хўжаликларига мўлжалланган. Ундан олий ўқув юрти талабалари, бакалавр, магистрлари, аспирантлар, ёши олимлар фойдаланишилари мумкин.

**КБК:45.262.86**

**ISBN: 978-9943-24-111-4**

© “Tafakkur” нашриёти, 2016 йил.

# **МУНДАРИЖА**

1. Мамлакат иқтисодиётида экспортнинг аҳамияти ва уни амалга ошириш босқичлари .....	5
1.1. Экспортнинг аҳамияти .....	5
1.2. Махсулотни экспорт қилишнинг асосий босқичлари .....	5
1-bosқич. Махсулот рекламаси ва маркетинг тадқиқотлари .....	5
2-bosқич. Чет эллик харидор билан музокаралар .....	6
3-bosқич. Экспорт шартномасини имзолаш .....	7
4-bosқич. Шартномани банк рўйхатидан ўтказиш .....	8
5-bosқич. Шартномани божхона постида рўйхатдан ўтказиш .....	10
6-bosқич. Тўловни қабул қилиш .....	11
7-bosқич. Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаш .....	11
8-bosқич. Транспортда ташиш (логистика) .....	13
9-bosқич. Махсулотни юклаш .....	14
10-bosқич. Махсулотни декларация қилиш .....	14
11-bosқич. Божхона расмийлаштируви .....	15
12-bosқич. Маҳсулотни жўнатиш ва шартномани ваколатли банкда ҳисобдан чиқариш .....	16
2. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолати .....	17
3. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш .....	19
4. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш .....	22
4.1. Мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш усуллари .....	22
4.2. Мева ва сабзавот маҳсулотларни сақлаш технологияси .....	22
4.3. Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги оптимал шароитни яратиш ва уларни маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига таъсири .....	26
4.4. Совутиш камераларини лойиҳалаштириш ва уларнинг таркибий қисмлари .....	30

4.5. Мева ва сабзавотларни сақлашдаги ўзгарувчан ҳаражатлар ва уларнинг технологик жараёнларга боғлиқлиги .....	31
4.6. Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан сарф ҳаражатлар кетма-кетлиги .....	33
5. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш .....	39
6. Миллий ва ҳалқаро “GLOBAL GAP” стандарти, Мева-сабзавот маҳсулотларини сертификация қилиш .....	53
Фойдаланилган адабиётлар .....	77

# **1. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ЭКСПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

## **1.1. Экспортнинг аҳамияти**

Экспорт Ўзбекистан иқтисодиёти учун самарали ривожланиш манбаи саналади. Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бошқа мамлакатларга сотиш юртимизнинг янада тараққий топиши ва турмуш тарзининг ўсишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи савдо корхоналарнинг барқарор ривожланишига ва иқтисодий самарага эришишга ёрдам беради, бу эса янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини янада оширишга имкон яратади.

Ташқи бозорларга чиқиш ишлаб чиқарувчиларга халқаро бозорда ўз маҳсулотлари ва хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам кўмак беради. Бундан ташқари, бошқа корхоналар томонидан доимий рақобат кўшимча сармоялар, инновациялар ва янги иш ўринлари яратишни рағбатлантиради.

Умуман олганда, экспорт фаолиятининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

## **1.2. Маҳсулотни экспорт қилишнинг асосий босқичлари**

### **1-босқич. Маҳсулот рекламаси ва маркетинг тадқиқотлари**

Маҳсулотни ташқи бозорда муваффақиятли сотиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

*Маҳсулот бўйича:*

- маҳсулотни афзал хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини намоён этиш;
- маҳсулотнинг афзал томонларини яққол кўрсатиб берувчи қадоқ (ва/ёки тавар белгиси) ишлаб чиқиш ва ҳаридорнинг эҳтиёжлари билан бевосита боғлик хусусиятларга эътибор қаратиш.

*Бозор бўйича:*

- қўшни мамлакатлар бозорларини ўрганиш, чет эл веб-сайтларини кузатиш орқали хориждаги шунга ўхшаш товарлар юзасидан маркетинг тадқиқотини ўтказиш;
- консалтинг компаниялари билан яқиндан ишлаш.

*Харидор топиш бўйича:*

Чет элда харидор топиш бўйича:

- 1) Маҳсулотни турли усуслар ёрдамида кўпроқ реклама қилиш:

- савдо-сотик/экспортга алоқадор веб-сайтларда маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш;
- ҳалқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш;
- алоқа воситалари орқали тижорат таклифларини тарқатиш;
- маҳсулотини реклама қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

- 2) Кўшимча кўмак олиш учун куйидаги ташкилотларга мурожат қилиш мумкин:

- «Ўзтадбиркорэкспорт» ИТСК;
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси;
- Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари.

## **2-босқич. Чет эллик харидор билан музокаралар**

Харидор маҳсулотга эътибор бериб, қизиқа бошлиши билан музокаралар ёрдамида унинг имкониятлари, талаблари билан яқиндан танишиш керак.

Музокараларни қуидаги усулларда олиб бориш мүмкін:

– телефон орқали;

– электрон почта ёрдамида;

– интернет орқали (skype, viber ва х.к.з. каби бевосита алоқа воситалари ёрдамида);

– бевосита учрашув асосида.

Чет эллик харидорлар билан музокараларга олдиндан тайёрланиш керак ва қуидаги масалалар бўйича маълумотларни олдиндан тайёрлаш лозим:

– маҳсулот бўйича (техник ва бошқа қўрсаткичлар);

– маҳсулот нархи бўйича;

– фирма (компания) ва маҳсулотга тегишли бўлган хужжатлар (сертификатлар ва бошқалар) бўйича;

– маҳсулотнинг ТИФ ТН даги коди бўйича;

– маҳсулотни олиб чиқиб кетиш шартлари ва муддати (Инкотермс-2010) бўйича;

– тўлов шартлари ва муддатлари бўйича;

– экспорт шартномаларининг мазмуни бўйича.

### **З-босқич. Экспорт шартномасини имзолаш**

Харидор маҳсулотини сотиб олишга розилик билдиргач, экспорт шартномасини тузиш лозим. Тижорат банкида хорижий валютада (АҚШ доллари, евро ва бошлқалар) хисобрақами очиш учун ариза топшириш керак

Ушбу жараёнга жиддий ёндашиш тавсия этилади. Чунки экспорт амалиётининг ҳар бир келгуси босқичи экспорт шартномасининг сифатли тузилишига боғлиkdir.

Шартномада сотувчи сифатида маҳсулотни чет эллик харидор тасарруфига топшириш бўйича барча мажбуриятларни ҳамда чет эллик харидорнинг ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг учун муайян ҳақ тўлаш бўйича барча мажбуриятларини кўриб чиқиши.

Шартнома тузатганда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Икки маъноли иборалар, ноаниқ ифодалар ва тушунарсиз атамалар бўлмаслиги;

2. Шартномадаги ҳар бир банднинг амалга ошириш механизми аниқ белгиланиши;

3. Маҳсулотни харидорга етказиб бериш шарт-шароит ва тартибининг Инкотермс-2010 атамаларида ёзилиши, олди-сотди шартномаси бўйича томонларнинг маҳсулот етказиб бериш борасидаги ҳукуқ ва мажбуриятлари келтирилиши, сотувчи томонидан маҳсулотни етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилган бўлиши ва маҳсулотнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки шикастланиши хатарининг ва бу туфайли юзага келиши мумкин бўлган харажатларнинг сотувчидан харидорга ўтиши пайтини белгилаш.

4. Келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги банднинг батафсил ёритилиши. Бу ерда томонлар юзага келиши мумкин бўлган келишмовчилик ва зиддиятларни кўриб чиқувчи муайян хўжалик судини кўрсатишлари лозим бўлади. Лекин, сотувчи учун келишмовчиликларни ўзининг ҳудудида, ўз мамлакати қонунчилиги асосида ҳал этиш энг мақбул йўл саналади.

5. Чет эллик шерикнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимояланиш мақсадида, экспорт шартномаси имзоланишидан олдин уни албатта юридик экспертизадан ўтказиш ва юридик хulosса олиш лозим.

Факс ёки электрон почта орқали олинган шартномалар, худди уларнинг асл нусхалари каби, ҳақиқий ҳисобланади.

#### **4-босқич. Шартномани банк рўйхатидан ўтказиш**

Конунчиликка мувофик, экспорт шартномалари экспорт қилувчи-корхона валюта ҳисоб-вараги очилган банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Экспорт шатномасини рўйхатдан ўтказиш учун қўйидаги хужжатлар талаб этилади:

- ариза;
- шартноманинг асли ва нусхаси.

Шартноманинг ҳар бир саҳифасига банк томонидан имзо ва ҳисобга олинганлик штампи қўйилади ва шартномага идентификацион рақам берилади.

Идентификацион рақам берилганлиги ҳақидаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади, биринчи нусха экспорт қилувчига берилади.

Маълумотлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (база)га киритилади, шартнома асл нусхаси эса (хизматлар экспортини назарда тутган шартномалар бундан мустасно), кейинчалик божхона органларида ҳисобга қўйиш (рўйхатдан ўтказиш) учун экспорт қилувчига қайтарилиади.

Шартнома имзолангандан кейинги барча ўзгариш ва/ёки қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан шартномага қўшимчалар тузиш ва имзолаш йўли билан амалга оширилади.

Имзоланган қўшимчалар шартномани рўйхатга олган банк муассасасида ҳисобга қўйилиши лозим.

Экспорт шартномасига қўшимчани ҳисобга қўйиш учун банк муассасасига қўйидагилар тақдим этилади:

- ариза;
- шартномага қўшимчанинг асли ва нусхаси.

Шартнома ёки шартномага қўшимчаларни ваколатли банкларда рўйхатдан ўтказиш пуллик асосда, банкларда ўрнатилган тарифларга кўра амалга оширилади.

## **5-босқич. Шартномани божхона постида рўйхатдан ўтказиш**

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш божхона постларида маҳсулотларни божхонада расмийлаштириш жараёнида амалга оширилади.

Шартномаларни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати қўйидагича:

- шартномани ҳисобга қўйиш ҳақида ариза;
- КТУТ (ОКПО) карточкаси нусхаси ва корхона низоми нусхаси (биринчи марта мурожаат қилганда);
- шартноманинг асли ва нусхаси;
- идентификацион рақам маълумотномаси;
- юридик хulosasi.

Божхона назоратчиси шартноманинг ҳар бир саҳифасига рўйхатга олинганлик ҳақида имзо ва божхона постининг штампини қўяди ва шартномага рўйхат рақами берилади.

Маълумотлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (базаси)да ҳам тасдиқланади. Шартнома асл нусхаси маҳсулот экспорт қилувчига қайтарилади.

Шартномага қўшимчалар ҳам тегишли шартномалар ҳисобда турган божхона постида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Экспорт шартномасига қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- ариза;
- шартнома нусхаси;
- шартномага қўшимчанинг асли ва нусхаси;
- юридик хulosasi.

Божхона органларида шартнома ёки унга қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади.

## **6-босқич. Тўловни қабул қилиш**

Маҳсулотга тўлов қабул қилиш учун чет эллик Харидорга тўловнома (инвойс) йўлланилиши лозим.

Харидорнинг имкониятларига қараб, тўловнинг қўйидаги турлари қўлланилади:

- 100% олдиндан тўлов (тавсия этилади);
- аккредитив;
- муддати узайтирилган тўлов (суғурта полиси орқали);
- консигнация (бунда маҳсулот, ишлаб чиқарувчининг чет элдаги савдо уйига, олдиндан тўлов қабул қилмасдан юборилади).

Валюта маблағлари келиб тушганидан кейин ваколатли банк уларни экспорт қилувчининг хисобрақамига ўтказади ва банк бу хақда валюта маблағлари келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда белгиланган тартибда со-түвчига ҳабар беради.

Эспорт маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун ваколатли банк томонидан сотувчининг сўровига асосан. Таşқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (база)га келиб тушган валюта ҳақида маълумот ки-ритилади.

## **7-босқич. Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаш**

Маҳсулотни божхонада расмийлаштириш, шунингдек харидор чет элда тўсиқсиз божхонада расмийлаштира олиши учун қўйидаги сертификатларни олиши керак:

Маҳсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат (СТ-1 шакл ёки А шакл). Ариза топширилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 1 иш куни давомида сертифи-кат расмийлаштирилади. Сертификат «Ўзбекэкспертиза»

ОАЖ томонидан маҳсулотнинг бутун шартнома хажмига ёки тўловнома (инвойс)га биноан маҳсулотнинг юкланадиган қисмига берилади.

Сотиладиган маҳсулотнинг турига қараб қуидаги сертификатлар олинади:

*Гигиеник сертификат.* Ариза берилади, намуна (1-2 кг, дона) тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва агар маҳсулот сертификатлаштирилиши лозим бўлса, 3 иш куни ичida юкланадиган товарга сертификат расмийлаштирилади. Сертификат Давлат санитар-эпидемиология назорати органлари томонидан берилади.

*Мувофиқлик сертификати.* Ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, экспорт учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштириш ихтиёрий равишда (мажбурий эмас) амалга оширилади. Ўзбекистан Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи Ўзбекистан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) ҳисобланади,

*Фитосанитария сертификати.* Ариза топширилади, намуна (1-2 кг, дона) маҳсулот тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 3 иш куни ичida юкланадиган маҳсулот учун сертификат берилади. «Ўзбошдавкарантин» ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциясининг маҳллий бошқармаси томонидан берилади. Транспорт кўздан кечирилади, бу ҳақда ўсимликлар карантини бўйича инспектор томонидан карантин кўздан кечириши далолатномаси тузилади. Транспорт ички томони мажбурий равишда фумигация қилиниб заарсизлантирилади ва ушбу ҳақида далолатнома тузилади.

*Ветеринария сертификати.* Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида ветеринария хужжатларини расмийлаштириш учун юклана-

диган жойдаги худудий ветеринария хизматыга ариза билан мурожаат қилинади. Тариф бўйича тўлов амалга оширилади. Давлат ветеринар шифокори томонидан сертификат берилади.

Харидорга ушбу сертификатларнинг асл нусхаси юборилади.

### **8-босқич. Транспортда ташиш (логистика)**

Махсулотни жўнатаиш учун, харидор билан келишган ҳолда, қуидаги транспорт турларидан фойдаланиш мумкин:

- автотранспорт (автомашина, фура, рефрижератор);
- темир йўл контейнер;
- темир йўл вагон;
- авиаотранспорт (самолёт).

Транспорт тури белгилангандан кейин экспедитор (транспорт компанияси) билан шартнома тузилади. Юк ортишга тайёр бўлиши билан, транспорт беришлари учун буюртма йўлланилиши лозим бўлади.

*Авто.* Юк ортиш учун автотранспорт компанияси билан шартнома тузиш керак. Юк ортишга тайёр бўлиши билан, автотранспорт олиш учун буюртма юбориш лозим. Транспорт компаниясидан тўлдириш учун авто юк хати CMR, TIR) бланкаси олинади.

*Темир йўл.* Товарни вагонга ортиш учун Темир йўл бошқармаси билан шартнома тузиш, тариф бўйича темир йўл хизмат ҳақини тўлаш ва вагон ажратиш учун ташиш резасини олиш керак. Юк ортишдан бир неча кун олдин станция бошлиғи номига вагон ажратиш учун буюртма бериш керак бўлади. Станцияда тўлдириш учун темир йўл юк хати бланкаси олинади.

*Авиа.* Товарни самолёт орқали ҳам юбориш мумкин. Бунинг учун буюртма билан авиакомпаниянинг юк ташиш

бошқармасига мурожаат қилинади, юк ташиш бўйича шартнома тузилади. Авиакомпанияда тўлдириш учун авиа юк хати бланкаси олинади.

Зарур маълумотни қўйидаги сайтлардан олиш мумкин:

[www.logistika.uz](http://www.logistika.uz) - Транспорт ахборот-логистик портали

[www.railway.uz](http://www.railway.uz) - «Ўзбекистан темир йўллари» ДАТЙК

[www.uzairways.com](http://www.uzairways.com) - «Ўзбекистан ҳаво йўллари» МАК

## **9-босқич. Маҳсулотни юклаш**

Транспорт тақдим этилгач, маҳсулотнинг мўлжалланган манзилгача бутлигини сақланишини таъминлаш учун, юклаш ўз вақтида ва тўғри ташкил этилиши керак бўлади.

Маҳсулотни оптимал равишда юклаш учун транспорт ҳажми ва ўлчамларини ўрганиб чиқиш лозим.

Экспорт қилинаётган маҳсулотни ортиш божхона пости инспектори, кинолог, декларант ва фирма вакили иштирокида амалга оширилиши лозим. Бу бўйича маҳсулотнинг божхона кузатувидан ўтказиш далолатномаси тузилади. Бунинг учун олдиндан божхона постига ариза топширилиши керак.

Юк ортиш якунлангач, транспорт, ишлаб чиқарувчи ва божхона органи(инспектори) сурғучлари билан сурғучланади (пломба). Умумий ва соф оғирлиги ҳамда ўринлар сони ҳақидаги маълумот тўловнома (ҳисоб-фактура)га ва транспорт юк хатига киритилади.

Шундан кейин маҳсулот декларация килиниши мумкин.

## **10-босқич. Маҳсулотни декларация қилиш**

Божхона расмийлаштируви учун барча юк ортиш хужжатларини божхона брокери (декларант) тайёрлайди, бунинг учун у билан шартнома тузиш керак бўлади. Маҳсулот юклаб бўлинганидан кейин декларантга қўйидаги хужжатларни тақдим этиш керак:

1. Шартноманинг асл нусхаси;
2. Транспорт юк хати (темир йўл, авто, авиа);
3. Ҳисоб-фактура (инвойс);
4. Махсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат;
5. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий бўлган қўшимча сертификатлар, жумладан: мувофиқлик, сифат ва қадоқлаш вараги);
6. Тўлов топширигининг асл нусхаси, божхона божлари тўланганлиги ҳақидаги банк белгиси билан (квитанция):
  - божхона амалиётлари учун (энг кам иш ҳақининг 0,1 фоизи)
  - божхона кузатуви учун (энг кам иш ҳақининг 10 фоизи)
7. Божхона кузатуви далолатномаси.

*Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун*

8. Фитосанитария сертификати;
9. Карантин кузатуви далолатномаси;
10. Заарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома.

*Давлат ветеринария назорати остидаги юклар учун*

11. Ветеринария сертификати.

Барча хужжатларни ўрганиб чиқиб, декларант божхона юк Декларацияси (БЮД)га барча зарур маълумотларни киритади.

Барча зарур саволларга декларант жавоб беради.

## **11-босқич. Божхона расмийлаштируви**

Барча хужжатлар тайёр бўлгач, декларант божхона назоратчисига қуидаги хужжатларни тақдим этади:

1. Шартнома ва унга қўшимчалар;
2. Божхона юк декларацияси;
3. Транспорт ва илова қилинган хужжатлар;
4. Махсулот келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат;
5. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий

бўлган қўшимча сертификатлар, жумладан: мувофиқлик, гигиена, ветеринария, сифат ва қадоқлаш вараги);

6. Лицензия (лицензиялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар учун);

7. Зарур ҳолларда ваколатли органлардан рухсатнома;

8. Божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари (тўлов топшириғи, квитанция, солиштирма далолатнома ва бошқалар).

Божхона инспектори БЮД ва товарларга илова хужжатларга «Юк чиқаришга рухсат берилди» ва «Божхона назоратидаги юк» муҳрини қўяди ва уларни декларанта қайтариб беради.

Зарур маълумотларни Давлат божхона қўмитасининг [www.customs.uz](http://www.customs.uz) сайтидан олиш ёки божхона постига мурожаат қилиш мумкин.

## **12-босқич. Маҳсулотни жўнатиш ва шартномани ваколатли банкда хисобдан чиқариш**

Юк ташиш учун транспорт юк хати олингач (темир йўл юк хати, авто юк хати (CMR, TIR), авиа юк хати), белгиланган нуқтагача юкни етказиб бериш учун маҳсулотга илова хўжжатларнинг асли ёки нусхасини транспорт компаниясига топшириш керак:

– *темир йўл транспорти билан*: темир йўл станциясининг катта товар-кассирига;

– *автотранспорт билан*: автотранспорт хайдовчисига;

– *авиатранспорт билан*: юк-ташиш бўлими нозимига.

Маҳсулот бешикаст етиб борганлиги тасдиқланганидан ва шартномада кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулот тўлиқ жўнатилганидан кейин шартноманинг ниҳояси туғрисида далолатнома тузилади.

Яқунланган шартнома ваколатли банкда хисобдан

чиқарилиши керак. Бунинг учун банкка қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

– ҳисобдан чиқариш ҳақида ариза;

– шартноманинг (шартномага қўшимча келишувнинг) асл нусхаси (Банк за Божхона органидан рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи штапм урилган вариант);

– шартнома ниҳояси далолатномаси нусхаси.

– давлат божхона декларацияси нусхаси (нусхалари).

Ваколатли банк шартнома асл нусхасининг ҳар бир саҳифасига «Ҳисобдан чиқарилди» мухрини қўяди ва қайтаради.

## **2. МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

Мева-сабзавотчиликни барқарор ривожланишида маҳсулот етиштиришнинг илгор технологияларини қўллаш, маҳсулотни қайта ишлаш ва саклашнинг замонавий усулларини жорий қилиш бугунги кунда озиқ-овқат танқислигини олдини олиш имконини яратади.

Маълумки, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчига тайёр маҳсулот кўринишида етиб боришигача бир қатор технологик жараёнлардан ўтади. Қуйидаги 1-жадвалда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш босқичлари келтирилган.

### **1-жадвал**

#### **Республикада мева-сабзавот маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш босқичлари**

Маҳсулот турлари	Етиштирилган маҳсулот ҳажми, минг тонна (2014 й.)	Сақлаш, %	Қайта ишлаш, %	Янги узилган ҳолда истеъмолчига етказиш, %	Йўқотиш, %
Мева	2 490,6	20	10	40	30
Сабзавот	9 286,7	30	10	30	30



Юқорида келтирилгай маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мева-сабзавотларнинг 20-30% сақланмоқда, 10% қайта ишланмоқда ва йиғиштириб олинган маҳсулотларнинг 30-40%гина истъемолчигача етиб боряпти холос. Шу сабабли, мева-сабзавотларни фақатгина нобуд бўлишини олдини олиш бўйича эмас, балки, экиладиган майдонларни кенгайиши ва олинадиган ялпи ҳосилнинг ортиб бориши ҳам бу соҳа мутахассислари олдига катта вазифаларни юклайди. Бунинг учун биринчи навбатда экиладиган навларнинг селекциясига ва агротехник ишлов бериш жараёнларига катта эътибор берилаши лозим. Мева-сабзавотлар пишиб етилиши билан уларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва керакли кейинги босқичларга ўз вақтида етказиш яхши натижа беради. Етиштирилаётган мева-сабзавотларни истъемолчиларга етказишнинг асосий усуллари қуидагилардан иборат:

– янги узулган ҳолда бозор ва супермаркетларга етказиш;  
– сақлаш:

о вақтинчалик сақлаш омборларида;  
о маҳсус совутиш камералари ёрдамида;  
о фаол музлатилган мева-сабзавотларни сақлаш.

– қайта ишлаш:

о маҳсулотларни қуритиш;  
о турли хил консерва маҳсулотлари, шарбатлар, концентратлар, мурабболар, газакбоб ва сирқаланган маҳсулотларни тайёрлаш.

### **3. МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш тадбирлари кетма-кетлиги қуидагилардан иборат:

*Хом ашё базаси:* Хом ашё базаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ёки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш учун биринчи даражадаги омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бирор бир сақлаш омборини ёки қайта ишлаш корхонасини бизнес-режасини тузишда ва корхонанинг ишларини лойиҳалаштириш жойидаги хом ашё базаси-ни ўрганиб чиқиш шарт.

Хом ашё базасини ўрганишда қуидагилар эътиборга олинади: худудлардаги сақлашга ёки қайта ишлашга режалаштирилаётган мева ёки сабзавот турининг ҳажми ва сифат кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади. Масалан, худудлар сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса, у ҳолда сабзавотчилик билан боғлиқ сақлаш ёки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш керак.

*Бозор талаби.* Тадбиркор томонидан мева ёки сабзавотни сақлаш турига ёки уларни қайта ишлаб олинадиган консерва маҳсулотларига бўлган бозор талаби ўрганиб чиқилади ва маҳсулотларни қанчалик бозорбоблиги ва истеъмолчининг эҳтиёжи таҳлил қилиниши талаб этилади.

*Инфратузилма.* Ҳудуднинг инфратузилмасини ўрганиш қуидагиларни ўз ичига олади:

- иқлим шароити (корхонани жойлаштириш ўрни, ер тузилиши, шамолнинг йўналиши, об-ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги;

- транспорт тизими, корхонанинг транспорт, темир йўлга талаби;

- электр таъминоти, уни қондирилиши, электр тармоқларининг узоқ-яқинлиги;

– сув таъминоти, сувнинг микдори, сифати (қаттиқ, юмшоқлиги), ишлатилган сувларни тозалаш иншоотлари мавжудлиги.

*Иичи кучи билан таъминланганлик даражаси.* Бунда қурилиш режалаштирилаётган жойнинг ишчи кучига бўлган талаби ва таъминоти ҳамда корхонани малакали мутахассислар билан таъминланиши ўрганилади.

*Технологик жиҳозларни танлаш ва харид қилиши.* Технологик жиҳозларни танлаш асосан сақланадиган мева ва сабзавотлар ёки ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотларга қараб танланади.

Жиҳозларни танлашда қуйидаги талаблар қўйилади:

– механизациялашганлик даражаси (автоматлаштирилганлиги);

– энергия тежамкорлиги;

– универсаллиги, бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқаришга

– ихтисослашганлиги;

– фойдаланишга қулайлиги ва ҳавфсизлиги;

– сақланаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларга таъсири ва чиқинди чиқариш микдори.

Технологик жиҳозларни танлашда яна бир ўзига хос хусусиятлардан бири, уларни тўлиқ тизим (линния) кўринишида ёки алоҳида харид қилинишидадир. Бундай ҳолларда мутахассисларнинг фикрича, жиҳозлар технологик тизим, яъни бир бутун комплект кўринишда харид қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Сақлаш ёки қайта ишилаш корхоналарининг харажатлар маркиби.* Мева ва сабзавотларни сақлаш ёки қайта ишлишни ташкил этишда маблағлар сарфи билан боғлиқ бўлган бир қатор тадбирлар амалга оширилади ва бу тадбирлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан тубдан фарқ қиқади. Масалан. тадбиркор бирор бир ер майдонига ишлов бериш учун маълум бир русумли трактор харид қилиб олса, уни бу



техникани сотиб олишдан кейинги харажатлари сезиларсиз микдорда бўлади, яъни тракторни сотиб олди, сўнгра ундан фойдаланишдаги харажатлар ёнилғи-мойлаш материаллари ва турли хил таъмирлаш ишларига сарфланади холос. Аммо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар бундан фарқ қиласди.

Совутиш хоналарини ва қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаштиришда биринчи навбатда бу соҳани ташкил этишдаги сарфланадиган маблағларни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим ҳисобланади. Бундаги сарф харажатларни 2 та гурухга ажратиш мумкин:

Эслатма! Мева ва сабзавотларни сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 30-35% доимий 65-70% эса ўзгарувчан харажатлар ташкил этади.

*Доимий харажатлар* – бунга совутиш хоналари жойлашган ер майдони, совутиш камераси қурилган бино, совутиш камерасини иш фаолиятини таъминлаб турувчи барча жиҳозлар ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларга одатда турли хил шаклдаги банк кредитлари ва бошқа йиллик тўловлар киради;

*Ўзгарувчан харажатлар* – бу турдаги харажатларга назорат қилиб бўлмайдиган, яъни бозор томонидан белгилана-диган харажатлар киради. Булар биринчи навбатда хом ашё, ишчи қучига тўланадиган харажатлар, электр энергияси ва ёнилғи-мойлаш материаллари, турли хилдаги идиш ва ёрдамчи материаллар, транспорт харажатлар киради.

*Эслатма! Мева ва сабзавотларни сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 30-35% доимий 65-70% эса ўзгарувчан харажатлар ташкил этади.*

## **4. МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ**

### **4.1. Мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш усуллари**

Маълумки, мева ва сабзавотларни сақлашда республикамиз аҳолиси катта тажрибага ва узок тарихга эга.

Бугунги кунда мева ва сабзавотларни сақлашнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

– *табиий усулда сақлаш*: бунда маҳсулотлар турли хил ертўла ва ўраларда сакланади, бундай усулда сақлашдаги жараённи назорат қилиш имкони бўлмайди, яъни бу ҳолда маҳсулотлар атроф-муҳит ҳарорати ва намлигига боғлик бўлади;

– *сунъий усулда сақлаш*: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сунъий усулда сақлашда маҳсулотлар маҳсус лойиҳалаштирилган биноларда сакланади. Бугунги кунда дунё бозоридаги сақланиб, истеъмолга чиқариладиган маҳсулотларнинг кариийиб 80%дан ортиғи сунъий усулда сақланган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда бинолардаги совутиш камераларида маҳсус жихозлар ёрдамида мева ва сабзавотларни янги узилган кўринишдаги ҳолатини таъминлаб берувчи муҳит яратилади ва ушлаб турилади.

### **4.2. Мева ва сабзавот маҳсулотларни сақлаш технологияси**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашнинг асосий мақсади хом ашёнинг пишиб етилгунга қадар тўплаган барча инсон организми учун фойдали бўлган моддаларини сақлаб қолиш ва истеъмолчига етказишидир.

Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнида улар таркибидаги фойдали озуқа моддаларни йўқолишининг бир неча асосий сабабларини кўрсатиш мумкин, улар қуйидагилардан иборат:

— хом ашё сифатининг пасайиши ва моддаларнинг йўқолиши:

о етиштириш ва агротехник ишлов бериш шароитига боғлиқ омиллар, ҳосилни йиғиштириш усуллари ва шароитининг бузилиши, турли хил касалликлар (микроорганизм, паразитлар) таъсирида улар таркибининг ўзгариши, турли хил жонзотлар томонидан хом ашёни кемирилиши;

о мева ва сабзавотларнинг нафас олиш жараёнлари натижасида ва намликнинг йўқотилиши натижасида сифатининг пасайиши.

Бугунги кунда фан ва технологиянинг ривожланиши билан мева ва сабзавотларнинг сифатини максимал даражада сақлаб қолишнинг бир қанча замонавий технологиялари яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бундай услубларнинг асосийлари қуйидагиларни ташкил этади:

— *Мева ва сабзавотлардаги йўқотишларни пасайтириш омиллари:*

о сақлаш камерасининг ҳароратини пасайтириш;

о совутиш камерасидаги нисбий намликни оптималлаштириш;

о совутиш камерасидаги ҳаво таркибини ўзгартириш.

Мева ва сабзавотларнинг ҳосилини йиғиштириб олиш ва уларни сақлаш пайтидаги жараёнларни қуйидагича тушунтириш мумкин. Меваларни ўсиш даврида улар карбонат ангидрид гази билан нафас олиб, фотосинтез жараёни натижасида керакли моддаларни тўплайди (1-расм).



**1-расм. Меваларни ўсиш давридаги кечадиган жараёнлар**

Мева ва сабзавотлар йигиштириб олингандан кейин эса бу жараённинг акси бошланади, яъни улар ҳаво таркибидаги кислородни ютиши натижасида, карбонат ангидрид гази, намликни ажралиши ва маълум миқдорда иссиқлик ажралиши кузатилади. Мева-сабзавотлар таркибидаги кечадиган бундай жараёнлар метаболизм ёки кексарши жараёни деб аталади (2-расм).

Кишлоқ хўжалигидаги сақлаш ва қайта ишлаш мутахассисларининг асосий мақсади юқорида қайд этилган метаболизм жараёнларини олдини олиш билан хом ашё таркибидаги фойдали моддаларни сақлаб қолишидир Бунинг учун мутахассислардан катта билим талаб этилади. Негаки, сақлаш омборларига жойлаштирилаётган ҳар бир мева ёки сабзавот учун уларни кимёвий таркибидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш зарур.



**2-расм. Меваларни йигиштириб олингандан кейин кечадиган жараёнлар**

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки мева ёки сабзавотларни сақлаш ҳароратлари турли хил бўлишидан ташқари, уларни бир камерада сақлаш ҳам тавсия этилмайди. Бунинг сабаби шундаки, маҳсулотларни сақлаш пайтида газ ажралиб чиқади (газни мутахасисслар этилен гази деб аташади), бунда битта мевадан ажралиб чиқсан газга иккинчи мева чидамсиз бўлиши мумкин, натижада маҳсулотнинг сақлаш муддати пасайиб кетади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Мева ва сабзавотларни сақлашдаги технологик режимлар ва уларнинг таҳминий сақланиш муддатлари

Маҳсулот	Сақлашдаги оптимал ҳарорат °C	Оптамал нисбий намлиги, %	Этилен ажралиб чиқиши	Этиленга таъсирчанлик	Таҳминий сақлаш муддати
Олма	1+4	90-95	Кучли	Ҳа	1-12 ой.
Ўрик	-1	90-95	Кучли	Ҳа	1-3 хафта
Бехи	-1	90-95	Кучсиз	Ҳа	2-3 ой
Узум	-1	90-95	Жуда кучсиз	Ҳа	2-8 хафта
Гилос	0+2	90-95	Жуда кучсиз	Йук	3-7 кун
Анор	5+10	90-95	Жуда кучсиз	Йук	2-8 ой
Нок	-1	90-95	Кучли	Ҳа	2-7 ой
Шафтоли	-1	90-95	Кучли	Ҳа	2-4 хафта
Картошка	7+10	90-95	Йук	Ҳа	1-10 ой
Пиёз	0+2	65-75	Йук	Йук	1-10 ой
Баклажон	8+12	90-95	Йук	Ҳа	1 хафта

Юқорида келтирилган жадвалдан шуни таҳлил қилиш мумкинки, маҳсулотларни жойлаштириш жараёнида улардан этилен гази ажралиб чиқиши ва маҳсулотнинг этилен газига таъсирчанлигига қараб жойлаштирилса жараён яхши натижада беради.

Масалан, жадвалдан кўриниб турибдики, олма билан гилосни бир хонага жойлаштириб бўлмайди.


### **4.3. Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги оптимал шароитни яратиш ва уларни маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига таъсири**

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳсулотларни маълум муддатгача таркибидаги фойдали моддаларни максимал даражада сақлаш, сақлаш камерасида яратилган муҳитга боғлиқ бўлади, яъни мутахассис ишни қанчалик тўғри ташкиллаштируса, уни ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши осон бўлади ва корхонанинг рентабеллиги ортиб боради.

Бугунги кунда фан ва технология ривожланиб кўплаб ютуқларга эришилмоқда, яъни маҳсулотларни сақлаш жараёнидаги шароитларни яратиш натижасида, уларнинг таркибини янги узулган пайтдаги ҳолатигача сақлашга эришилмоқда. Қуйида сақлаш амалиётида энг кўп қўлланилиб келаётган усулларни, уларнинг ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиб чиқамиз.

*Совутиш камерасининг ҳарорати* – хона ҳарорати маҳсулотларни сақлашдаги асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ҳарорат мева ёки сабзавотни кимёвий таркибидан келиб чиқиб танланади. Юқорида келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, мевалар учун оптимал ҳарорат -1 дан +4°C гача бўлса, сабзавотлар учун 0 дан +10°C оралиғида бўлади. Шу сабабли мева ва сабзавотларни сақлаш учун совутиш камералари лойиҳаланаётганда улар учун қўлланиладиган жиҳозлар шу оралиқда совутиб берадиган қилиб танланса, ортиқча харажат сарфнинг олдини олади.

Совутиш камераларида ҳароратни яратиб берувчи жиҳозлар генераторлардир (3-расм), уларнинг куввати камеранинг умумий сифимидан келиб чиқади. Масалан камеранинг умумий сифими 50 тонна бўлганда генератор куввати 20 кВт/соат гача бўлиши мумкин.



### **3-расм. Совутиш камерасидаги ҳароратни назорат қилиш ускуналари**


*Совутиши камерасидаги ҳавонинг намлиги* - совутиш камерасида нисбий намликни яратиб бериш ва ушлаб туриш маҳсулот таркибидаги намликни максимал даражада ушлаб туришга ёрдам беради.

Мева ва сабзавотлар учун ҳавонинг нисбий намлиги уларнинг кимёвий таркибидан келиб чиқиб, ўртacha 80-95%ни ташкил этади.

Эътиборли томони шундаки, мева ёки сабзавот таркибидаги умумий сув микдорини 5-6% гача пасайиши унинг сифатини бузилишига олиб келади. Республикаизда хонанинг намлигини турли хил усусларда ушлаб туриш, яъни сувни пол ва деворларга сепиш ёки очиқ идишларга солиб қўйиш билан ушлаб туриш усуслари бўлган, лекин мутахассислар фикрича монтакамиз иқлим шароити, яъни ҳавонинг нисбий намлигининг пастлигини эътиборга олинса, бу усуслар яхши натижа бермайди.

Бугунги янги технологиялар бўйича хонанинг нисбий намлигини ушлаб турадиган турли хил русумдаги на-

- нисбий намлик 98% гача
- қулагай техник хизмат күрсатылади
- намлик аниқ ўтчаб турғылади
- бактерияларга қарши препараттар узатыш имконини беради



млагич жиҳозлари қўлланилмоқда, улар маҳсус автоматлаштирилган бўлиб, бошқарув тугмалари камерадан ташқарида жойлашган бўлади ва нисбий намликни масофадан бошқариш имконини беради (4-расм).

#### **4-расм. Совутиш камерасини нисбий намлигини тамиллаш жиҳози**


Совутиш камерасидаги ҳаво муҳитини бошқариш (РГС). Совутиш камерасидаги ҳаво муҳитини бошқариш билан ишлайдиган совутгичлар замонавий технологиялардан бири бўлиб, бунда камерадаги ҳавонинг таркиби ўзгартириллади. Бунда ҳаво таркибидаги кислород миқдори 21%, карбонат ангидрид миқдори 0,03% бўлса, кислород 2-5%гача пасайтириллади, карбонат ангидрид миҳдори 3-5%гача ошириллади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, совутгичларга келтирилган мева ва сабзавотлар таркибидаги микроорганизм ва турли хил жонзорлар одатда кислород билан нафас олади, хонадаги кислород миқдорини пасайтириш билан нафас олиши тўхтатиллади, натижада маҳсулотни сақлаш муддати узайтириллади. Қуйидаги 3-жадвалда совутиш камерасидаги муҳитни ўзгартиришнинг маҳсулотни сақлаш муддатига таъсирини ифодаловчи маълумотлар келтирилган.

### 3-жадвал

#### Совутиш камерасидаги мұхитни ўзгартыришни маҳсулотни сақлаш муддатига таъсири

№	Совутгич түрі	Назорат қилинадиган режим	Олмани сақлаш муддати, ой	Совутиш камерасининг ҳажми ва таҳминий нархи 500 т. (минг АҚШ доллары)
1	Ҳароратлы совутгичлар	Ҳаво ҳарорати	2-3	100-150
2	Нисбий намлиги назорат қилинадиган совутгичлар	Ҳаво ҳарорати ва намлиги	4-5	150-200
3	Ҳавонинг таркиби назорат қилинадиган совутгичлар (РГС)	Ҳаво ҳарорати, намлиги ва таркиби ( $O_2$ , $CO_2$ )	8-10	200-300

Жадвалдан күриниб турибиди, совутиш камералари қанчалик замонавий бўлса, маҳсулотнинг сақланиш муддати шунчалик узоқ бўлади, масалан олмани фақатгина ҳарорати бошқариладиган совутиш камераларида сақланса, унинг сақланиш муддати 2-3 ойгача бўлса, совутиш камерасида нафақат ҳарорат бундан ташқари нисбий намлик ва ҳавонинг таркибини назорат қилиш билан олманинг сақланиш муддатини 8-10 ойгача етказиш мумкин. Шу билан бир пайтда, совутиш камерасидаги режимларни назорат қилишни мурakkabлашгани билан совутгичларни нархи ҳам ортиб боради. Бунга сабаб қўлланиладиган жиҳозларни нархи ортиб боришида. Шунинг учун совутгичлар бўйича бизнес-режани тузишда қайси бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақланиши, яъни уларни кимёвий таркиби ва сақланиш муддатидан келиб чиқиб танланса мақсадга мувофик бўлади. Масалан, сабзавотларни сақлашда ҳаво ҳарорати назорат қилинадиган (РГС) совутгич танланиши шарт эмас, данакли ёки резавор меваларни сақлаш режалаштирилаётган ҳолда замонавий совутгичлар танланса яхши натижа беради. Қуйидаги 5-расмда замонавий технологиялар билан жиҳозланган совутгич келтирилган.




**5-расм. Ҳаво таркиби назорат қилинадиган совутиш камераси**

Юқорида келтирилган совутгичларнинг барча афзалликлари билан бир қаторда, уларнинг камчилиги ҳам мавжуд, бунда маҳсулот камерада бўлган пайтида, камерани хар сафар очиб назорат қилиш имкони бўлмайди, бундан ташқари, очилгандан кейин керакли муҳит яратилмаса маҳсулот тез бузила бошлайди.

#### **4.4. Совутиш камераларини лойиҳалаштириш ва уларнинг таркибий қисмлари**

Бугунги кундасовутиш камераларини лойиҳалаштиришда бир қатор омилларга риоя қилиниши керак. Булар совутуш камерасининг конструкцияси: бинонинг ҳолати қандай кўринишда қурилганлиги, бир қаватли ёки кўп қаватли, камералар ҳажми 10 ёки 30 тонна ва ҳ.к. Бу кўрсаткичлардан кейин бино деворларининг ички томонининг изоляциясига эъти-

бор берилади. Бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган материаллардан полиуретан ҳисобланади, у деворга сепилади, сўнгра сендвич панел қопланади (6-расм). Бу қопламалар қоплангандан кейин совутиш камералари герметик ҳолатга келтирилади.



Сендвич панели

Изолациеланган хона

Ҳаво ўтказмайдиган ўшик

### **6-расм. Совутиш камерасини ташкил этувчи асосий қисмлар**

Юқорида келтирилган қисмлар совутиш камерасини қуриш учун зарур қисмлар ҳисобланиб, уларнинг барчаси мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнига сарфланадиган доимий ҳаражатларга киради, яъни доимий ҳаражатлар одатда банк кредитлари олиб йиллик фоизлар ҳисобида тўлдириб борилади.

#### **4.5. Мева ва сабзавотларни сақлашдаги ўзгарувчан ҳаражатлар ва уларнинг технологик жараёнларга боғлиқлиги**

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта

ишлиш жараёни билан боғлиқ сарф ҳаражатларни доимий ва ўзгарувчан ҳаражатларга ажратиш мумкин.

Доимий ҳаражатларга сақлаш омбори курилган ер майдони, у ердаги бинолар ва совутиш камерасини иш фаолиятни таъминлаб берувчи жиҳозлар киради.

Ўзгарувчан ҳаражатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишиш билан боғлиқ сарф ҳаражатлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалариникидан тубдан фарқ қиласди.

Масалан, тадбиркор бирор бир қишлоқ хўжалиги техникаси (МТЗ- трактори) ҳарид қилса ундан кейинги босқичларда трактор олиш учун сарфланган суммага нисбатан сарфланадиган ҳаражат миқдори жуда сезиларсиз бўлади яъни ҳаражатлар ёнилғи-мойлаш материаллари ва турли хил таъмиглаш ишларидан иборат бўлади. Лекин маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишиш билан боғлиқ ҳаражатларда доимий ҳаражатлар юқорида қайд этиб ўтилгандек ҳаражатларнинг 30-35% ташкил этади холос, қолган 65-70% эса ўзгарувчан ҳаражатлардир. Биз қўйида шундай маълумотларни батафсил кўриб чиқамиз.

Сақлаш ва қайта ишиш жараёнидаги ўзгарувчан ҳаражатларнинг энг катта қисми хом ашё билан боғлиқ ҳаражатларга тўғри келади. Масалан, тадбиркор 100 тонналик совутиш камерасига узумни жойлаштироқчи бўлса, бунда совутгични фойдали сигими 80 тонна деб оладиган бўлсак, унда сақлаш учун олинадиган узумни ўртача нархи 1 тоннасига 3 000 000 сўм десак, факатгина хом ашё учун сарфланадиган ҳаражат 240 000 000 сўмни ташкил этади.

Шу сабабли бугунги кунда мутахасислар тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга бу каби ҳаражатларни ва уларни олдини олиш имкониятларини тушунириши талаб этилади. Энди бу камчиликларни олдини олиш учун яъни бир вақтнинг ўзида катта миқдордаги ҳаражатларни камай-

тирилиши учун биринчи навбатда сақланаётган ёки қайта ишланаётган мева-сабзавотлар ўзидан чиқиши керак, яни фермер хўжаликларида сақлаш ёки қайта ишлаш жараёнларини ташкил этиш яхши самара беради.

Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёни билан боғлик бўлган қолган турдаги ҳаражатлар қуидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан ҳаражатлар

№	Мева ва сабзавотларни сақлашдаги жараёnlар ва материаллар	Босқичлардаги ҳаражатлар, %
1	Махсулот сифатини аниқлаш лабораторияси	2
2	Совутиш камерасини ишга тайёрлаш ҳаражатлари	2
3	Сақлаш учун керакли идишларни тайёрлаш	15
4	Хом ашёни ташниш ва тушириш транспортлари	10
5	Хом ашёни совутиш жиҳозлари	4
6	Хом ашёни камерада сақлаш жараёнидаги ҳаражатлар	55
7	Махсулотни ортиш жиҳозлари	2
8	Қўшимча генератор	10

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан сарф ҳаражатларни энг катта қисми 40% гача хом ашёни сотиб олиш учун сарфланади. Қолганларини технологик жараёnlар кетма-кетлигига ифодалаш мумкин ва уларни фоизларга булиниши келтирилган.

### 4.6. Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан сарф ҳаражатлар кетма-кетлиги

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараёnlари учун лабораториянинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳимdir. Тадбиркор ўз олдига хом ашёни сақлаш ёки қайта ишлаш натижасида яхши даромад олишни мақсад қилиб қўяди. Лекин шуни

эсдан чиқармаслик керакки, лойиҳалаштирилаётган корхона лабораториясини замонавий асбоб ускуналар билан таъминламасдан, ёки таъминлаган ҳолда ҳам уларни түғри ишлата олмасдан, бундай корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари хақида сўз бориши нотўғри.


*Маҳсулот сифатини аниқлаши лабораториясининг ўрни ва аҳамияти.* Ҳом ашёларни сақлашга ёки қайта ишлаб бирор бир консерва маҳсулотлари ишлашга ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни истеъмолга яроқли ёки яроксиз эканлиги тўғрисида фақатгина лаборатория текширувларидан кейин хulosса чиқариш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида, масалан чорвачиликда хайвонларни сотиб олишда улар гўштга ёки боқишга яроқли эканлиги бир қанча текширувлардан кейин хulosса чиқариб харид қилинади, лекин олмани ёки узумни сақлашга ёки қайта ишлашга харид қилинганда, уларни бошланғич ҳолати, яъни кимёвий таркиби ва бир қанча сифат кўрсаткичларига етарлича эътибор берилмайди.

Тадбиркор мевани сотиб олиш пайтида уни ташки кўриниши ёки тайёр бўлганлигини фермер хўжалиги раҳбарининг хulosаси билан харид қиласи ва сақлашга қўяди. Лекин бу жараённи мутахассислар фикри, адабиётлар таҳлили ёки чет эл технологиялари билан таққосланганда, сақлашга олинаётган мева ва сабзавотлар биринчи навбатда пишиб етилганлик даражасига боғлиқлиги айтилади. Амалиётда эса тадбиркорлар бу ҳолатни мавсум жараёнида маҳсулотни сотиб олувчилар сони кўплиги (ракқобат) у пайтда бундай лаборатория жараёнларини ўтказиш имкони йўқлиги билан тушунирадилар. Сақлаш омборларини қуриш учун ҳаракат қилаётган ишларни тадбиркорлар фермер хўжаликларидан бошлашлари керак.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мева-сабзавотларни пишиб етилаганлик даражаси маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатади. Пишиб етилганлик даражасини икки гурухга бўлиш мумкин:

Техник пишиб етилганлик - бу маҳсулотларни пишиб етилганлигини фақат бунда маҳсулотлар керакли моддаларни максимум даражада йиғиб улгурмаганига айтилади. Техник пишиб етилган маҳсулотлар асосан сақлаш учун яроқли ҳисобланади. Пишиб етилганликни аниқлашни бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, шулардан бири меваларни қаттиқлиги бўйича аниқлаш. Меваларни қаттиқлиги бўйича кўрсаткичини аниқлайдиган асбоб пенетрометр деб аталади (7-расм).



### **7-расм. Пенетрометр олмани пишиб етилганлигини аниқлаш асбоби**

Бу асбобни ишлаш принципи шундан иборатки, асбобни маҳсус игнаси билан мевага санчилганда асбобни кўрсаткичи уни қаттиқлигини кўрсатади ва керакли холоса чиқарилади. Масалан, олмани Голден навининг қаттиқлиги 5-5,5 бўлганда мева техник пишиб етилган ҳисобланади. Агар кўрсаткич юқоридаги катталиктан паст бўлса уни ҳали пишиб етилмаганлигини, юқори бўлса пишиб ўтиб кетган деган холосани беради.

Физиологик пишиб етилганлик. Физиологик пишиб етилган мева-сабзавотлар таркибидаги барча моддаларни максимал даражада йиғиб олган бўлади. Бундай маҳсулотлар

одатда бозорбоп ёки қайта ишлашга жүнатилса яхши натижа беради.

Маҳсулотларни яна бир асосий назорат қилинадиган күрсаткичларидан бири уларни қуруқлик міңдори.

Маҳсулотни қуруқлик міңдори уни таркибидаги сув моддасидан ташқари бўлган барча моддалар йифиндишига айтилади. Маҳсулотни қуруқлик міңдорига қараб сақланаётган ёки қайта ишланиб тайёрланган маҳсулотларни кўпгина сифат күрсаткичларига таъриф бериш мумкин, яъни уни қаттиқ юмшоқдиги, уни таркибидаги қанд моддалари міңдори ва бошқалар.

Хом ашё ёки уларни қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотларни қуруқлик міңдори рефрактометр асбоби ёрдамида аниқланади (8-расм).

Маҳсулотларни нордонлиги (рН). Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнидаги янабирасосий күрсаткичларидан бири, бу уларни нордонлиги ёки бошқача қилиб айтганда рН күрсаткичи. Хом ашё ёки маҳсулотларни нордонлиги улар таркибидаги органик кислоталар міңдоридан келиб чиқади. Нордонлик міңдори рН-метр асбоби ёрдамида аниқланади (9-расм).



**8-расм. Лаборатория рефрактометри 9-расм. рН-метр –  
маҳсулотлар нордонлигини аниқлаш асбоби**

Махсулотларнинг нордонлиги ҳақида гапирилганда биринчидан уни кўрсаткичи катталигидан келиб чиқилади. pH-метрни кўрсаткич оралиғи 0 дан 14 гача бўлиб, бунда pH -метр кўрсаткичи 7 ни кўрсатса бу нейтрал катталик деб юритилади. Нейтрал катталик фақатгина ичимлик сувининг кўсаткичи ҳисобланади. pH-метрни кўрсаткичи 7 дан юқорида бўлса, бу ишқорий, 7 дан паст кўрсаткич бўлганда кислоталик хусусиятга эга бўлган махсулот ҳисобланади. Мева-сабзавотларнинг pH миқдори уларни кимёвий таркибидан келиб чиқиб нордон катталиқда бўлади. Махсулот таркибидаги pHning пастлиги биринчидан махсулотни нордонлигини кўрсатса, иккинчидан агар мевалардаги pH миқдори белгиланганидан паст бўлса, уни пишиб етилмаганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари учун лаборатория текширувлари муҳим ўрин тутади. Юқоридаги жадвалда келтирилган 2% мана шу асбоб ускуналарни харид қилиш ва лаборатория текширувлари билан боғлиқ сафр ҳаражатлардир.

*Совутиш камерасини ишга тайёрлаш ҳаражатлари.* Мева- сабзавотларни сақлашни ташкил этишда совутиш камераларини ишга тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Бунда совутиш камераларини ташқи муҳитдан изоляцияланганлиги, совутиш камерасидаги муҳитни таъминлаб берувчи жихоз ва асбобларни тўғри ишлаши ва санитария ҳолати назоратдан ўтказилади. Совутиш камерасига махсулотни жойлаштиришдан олдин уларни кимёвий моддалар эритилган сув билан яхшилаб ювилиши, фумигация, яъни олтингугурт гази билан ишлов берилиши талаб этилади. Бунда камералар ичидаги турли хил заарарли микробиологик заараркунандалар тозаланади. Бундай жараёнлар учун сарфланадиган ҳаражатларга тахминан 2% ажратилади.

*Сақлаш* учун керакли идишиларни тайёрлаш. Мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари учун қўлланиладиган идишилар мухим аҳамиятга эга. Бугунги кунда саноатда турли хил материаллардан тайёрланган идишилар қўлланилмоқда. Шу билан бир пайтда, идишиларга бир қатор талаблар қўйилади, булар: маҳсулотга механик шикаст етказмаслик; маҳсулот билан кимёвий реакцияга киришмаслик; уларни ташиш ва кўчиришга қулайлиги; уларни бир неча бор қўлланилиши имконини бериши ва асосийлардан бири маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги ва бошқалар.

Мева-сабзавотларни совутгичларда сақлашда асосан очик кўринишдаги (ёғоч, пластик) идишилардан кенг фойдаланилиб, улар умумий ҳаражатнинг тахминан 15%ини ташкил этади.

*Хом ашёни ташиши ва тушириши транспортлари.* Мева ва сабзавотларни совутгичларгача ташиш учун маҳсус транспортлар талаб этилмайди, уларни тадбиркор ўзи харид қилиши ёки вақтинчалик фойдаланишга олиб туриши мумкин. Совутиш омборларига маҳсулот келтирилган идиш ёки контейнерларни ташиш, жойлаш ёки юклаш учун одатда маҳсус автокар ёки электромобиллардан фойдаланилади. Уларни совутгичларни катта кичиклик қувватидан келиб чиқиб, вақтинчалик ёки сотиб олиниши мумкин (10-расм).



### **10-расм. Маҳсулотларни юклаш ва туширишда қўлланиладиган автоюклагич**

Мева-сабзавотларни сақлашда қўлланиладиган транспорт турларидан келиб чиқиб уларга ажратиладиган ҳаражатлар тахминан 10%ни ташкил этади.

*Хом ашёни совутиши жиҳозлари.* Мева ва сабзавотларни совутиш камераларига жойлаштиришдан олдин улар совутилиши талаб этилади. Маълумки, мева-сабзавотларни йиғиб териш пайтида ҳаво ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли уларни даладан олиб келингандан кейин қўшимча совутиш камераларига жойлаштириб совутилиши ва сўнгра камера-га жойлаштирилса маҳсулотни турли хил микроорганизмлар билан касалланиши олди олинади. Бу жараён вақтингча со-тутиш хоналарида ўтказилади. Совутиш хоналари бўлмаган пайтда мевалар соя жойларда совутилиб кейин совутиш ка-мерасига жойлаштирилади.

*Хом ашёни камерада сақлаши жараёнидаги ҳаражатлар.* Совутиш камераси ва ундаги оптимал шароитни ушлаб ту-рувчи жиҳоз ва асбоблар сақлаш камерасидаги сарфланади-ган ҳаражатларни энг катта қисмини ташкил этади (55%гача), бунга бутун сақлаш жараёнида тухтовсиз сарфланадиган энергия ва уларни таъмирлаб туриш ҳаражатлари киради.

*Маҳсулотни ортиши жиҳозлари.* Маҳсулотларни маълум муддатга сақлангандан кейин уларни юклаш ва манзилга ет-казишга ҳам эътибор берилиши керак. Бунда ортиш ва етка-зид бериш учун маҳсус жиҳозланган техникалардан фойла-ниш талаб этилади.

Қўшимча генератор - совутгичларни лойиҳалаш жараё-нида улардаги камералар қувватидан келиб чиқиб, қўшимча генераторлар билан жиҳозланиши керак. Бунда генератор-лар қуввати маҳсулот сақланадиган камера ҳажмидан келиб чиқиб олиниши керак.

## **5. МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ**

Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш жараёнлари, қайта ишланаётган хом ашё ва тайёрланадиган маҳсулотлар турла-рига қараб бир-биридан фарқ қиласи.

Шу сабабли мева ва сабзавотларни қайта ишлаш жа-раёнларини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни қуидагича тавсифлаш мумкин:

– мавсумийлиги;

о йилнинг маълум вактида қайтарилиши;

о бир ва бир неча ой давом этиши;

– қисқалиги;

о маълум вақтга хом ашё заҳирасини тўплаб туриш имкони йўқлиги;


о хом ашёни ҳар куни сотиб олиниши;

– амплитуда;

о мавсум боши ва охирида хом ашё миқдори камайиши билан корхона тўлиқ қувватга эга бўлмаслиги;

о қайта ишланадиган хом ашёларни пишиб этилиши юқори нуқтада бўлганда корхонани ишлаш қуввати максимумга кўтарилиши.

Қайта ишлаш корхоналарининг юқорида келтирилган хусусиятлари маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради. Қуидаги 11-расмда хом ашёни қайта ишлаш корхоналарига келтириш ва корхонани ишлаш қувватини кўсатиб берувчи диаграмма келтирилган.



11-расм. Корхонанинг иш кунини хом ашёни келтириш графигига боғлиқлиги

Келтирилган диаграммада помидорни қайта ишлаб томат пастасини ишлаб чиқаришдаги иш кунининг хом ашёни келтириш графигига боғлиқлиги кўрсатилган, кўриниб турибдики, корхонанинг ишлаш қуввати хом ашёни пишиб етилишига боғлик бўлиб, бунда корхона иш кунини бир сменада, маълум вақтдан кейин икки ва кейинчалик уч сменада давом эттиради. Бу ҳолат яна мавсум тугалланиши билан икки сменада ва кейин бир сменада тугалланади.

Мутахасисларни фикрича, бундай ҳолат қайта ишлаш корхоналари учун бир қатор нокулайликлар туғдиради. Булар қўйидагилардан иборат:

- корхонадаги жиҳозларни тўлиқ қувватда ишламаслиги;
- корхона учун ёлланадиган вақтинчалик ишчиларни ишга жалб қилинишидаги муаммолар;
- жиҳозларни тўлиқ ишлаш коэффициентида тўлиқ бўлмаганлиги сабабли ортиқча энергиянинг сарфланиши.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш усулларидан бири бу ҳар бир жараён ёки маҳсулот учун маҳсус навлардан фойдаланиш ва хом ашёларни мавсумнинг босидан ишни уч сменада ташкил этиш яхши натижа беради (5-жадвал).

## 5-жадвал

### Помидор навларидан тўғри фойдаланиш усуллари

Навлардан фойдаланиш усуллари	Жараён тuri			
	Дўконларга	Томат ҳалими	Қуритишга	Консерва маҳсулотларига
Янги узилган	+	-	+	+
Томат ҳалими	+	+	+	-
Қуритиш	+	+	+	-
Консерва (чerry)	+	-	-	+

Жадвалдан кўриниб турибдики, масалан томат ҳалими учун помидор навларидан дўконларга беришга, томат ҳалими тайёрлашга ва қуритишга фойдаланиш мумкин.



Аммо улардан таркибидаги қуруқ модда миқдори юқори бўлғанлиги сабабли консерва маҳсулотларини тайёрлаш тавсия этилмайди. Бу мева ва сабзавотларни қайта ишлашда уларнинг навлари тўғри танланиши, корхона рентабеллигиги ни оширишни кўрсатади (6-жадвал).

#### 6-жадвал

### Республикада кенг тарқалган помидор навларининг асосий кўрсаткичлари

Келиб чиқиши	Навлар	Пишиш муддати, кун	Ҳосилдорлиги, тн/га	Қуруқ модда, %	Пишиш давомийлиги	Чиқадиган томат миқдори, кг
Махаллӣ	ТМК-22	90-95	25-30	5,5	узун	165
	Узбекистан 178	90-95	28-30	5,6	узун	168
	Узмаш-1	85-90	28-32	5,4	урта	162
	Баходир	85-90	30-35	6	узун	180
	Ситора	90-95	30-35	5,6	узун	168
Четдан келтирилган	Бобкат F1	60-65	40-45	5,6	урта	168
	Вольверин F1	60-65	40-45	5,7	урта	171
	Эр科尔 F1	70-75	45-50	6,1	қисқа	183
	Улиссе F1	55-60	45-50	6,2	урта	186
	Астерикс F1	65-70	50-55	6,2	қисқа	186

Бундан ташқари қайта ишлашда навлари тўғри танланшининг яна бир эътиборли томони, олинадиган маҳсулот миқдорини ортиши ва чиқинди миқдорини камайиши натижасида корхона рентабеллиги ошади Масалан, Республикаизда томат ҳалимини олиш учун ишлатилаётган помидорларнинг қуруқ моддаси ўртача 5%, томат ҳалими қуруқ моддаси эса 30%ни ташкил этади. Қуруқ модда миқдори юқори бўлған навларини танлаб (Баходир, Астерикс), олинадиган маҳсулот миқдорини анча ошириш мумкин. Масалан, қуруқ модда миқдори 5% бўлған 1000 кг помидор қайта ишланганда 150,4 кг томат ҳалими олинса, қуруқ модда миқдори 6% помидор қайта ишланганда 180,48 кг, 30%ли томат ҳалими олинади. Бу ҳисоб-китоблар 1-формула асосида то-пилган:

$$x = \frac{T \times C_1 \times (100 - p) \times (100 - b)}{C_2 \times 1000} \quad (1)$$

- бу ерда:
- хом ашё вазни 1000 кг;
  - қурук модда микдори навларга караб ҳар хил бўлади;
  - ишлаб чиқаришдаги йўқотиш, томат ишлаб чиқаришда 6%;
  - тайёрлаш, тўғраш ва арчишдаги йўқотиш, томат ишлаб чиқаришда 4 %;
  - тайёр маҳсулотдаги қурук модда концентрацияси 30%.

Маълумки, хом ашёни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотлар турлича бўлиб уларни тайёрлаш технологияси ҳар хил бўлади.

Қайта ишлаб олинадиган маҳсулотлар:

- қуритилган маҳсулотлар;
- шарбат ва концентратлар;
- турли хил консерва маҳсулотлари.




**12-расм. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотлар**

Юқорида келтирилган маҳсулотлардан томат ҳалимига бугунги кунда талаб катта, бунинг сабаби шундаки, томат пастасидан бугунги кунда тайёрланадиган консерва маҳсулотлари ассортименти жуда кенг.

Шунинг учун биз помидорни қайта ишлаб томат ҳалимини тайёрлаш технологиясини кўриб чиқамиз.

**Помидорни қайта ишлаб 28-32% томат ҳалимини ишлаб чиқариши технологияси.** Томат ҳалимини ишлаб чиқариш бугунги кунда энг долзарб йұналишлардан бири бўлиб, бу жараённи ҳам барча технологиялар сингари бошлиниши лаборатория текширувларидан бошланади. Томат ҳалимини олиш жараёнидаги лаборатория текширувларида аввало помидорни қуруқ моддаси миқдори рефрактометр (8-расм) ва нордонлиги pH-метр (9-расм) ёрдамида аниқланади ва қайта ишлаш цехларига узатилади. Қайта ишлаш цехида бир қатор жараёнлардан ўтказилади, бу жараёнларни технологик схемаси қўйида келтирилган (13-расм).



**13-расм. Помидорни қайта ишлаб томат ҳалимини ишлаб чиқариш технологик схемаси**

Биз юқорида 3,3-3,4 бандларга тухталиб ўтганимиз сингари, томат ҳалимини ишлаб чиқариш жараёнида ҳам харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратилади.

Томат ҳалмини ишлаб чиқаришда ва корхонани лойиҳалаштиришда қуйидагиларга эътибор берилиши лозим:

- помидор навларини тўғри танлаш, яъни юқори қуруқ модда миқдорига эга бўлган ва пишиб етилиш даражаси юқори бўлган навлардан фойдаланиш билан корхонани уч сменада ишлашини таъминлаш.

– томат ҳалимини ишлаб чиқариш учун танланадиган технологик жиҳозларни яхлит кўринишда харид қилиш, яъни жиҳозларни бўлакларга бўлиб харид қилиш уларни ишлаб чиқариш қувватига қараб бир хил тарзда ишлашига йўл қўймайди.

– маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган жиҳозларнинг барчаси зангламайдиган металдан тайёрланган бўлишига эътибор бериш.


***Помидорни қайта ишлаб томат ҳалимини ишлаб чиқаришида қўлланиладиган жиҳозлар.***

1. Томат ҳалимини тайёrlаш жараёнидаги биринчи босқич помидор қандай идишларда олиб келингандига қараб бошланади. Агарда хом ашё контейнерларда олиб келинган бўлса, унда яшикларни кўтариб тўкиб берувчи жиҳоздан фойдаланилади (14-расм).



**14-расм. Яшикларни тўкиб берувчи жиҳоз**

Агарда маҳсулот транспортларда тўкилувчан ҳолатда келтирилган бўлса, улар маҳсус сув билан тўлдирилган ариқларга тўкилади, бунда сув хом ашёни механик шикастланишидан асрайди (15-расм).



**15-расм. Помидорни қабул қилувчи сувли бункер**

2. Хом ашёни ювиш, помидорлар тузилиши, яъни юмшоқлигидан келиб чиқиб, сувли ванналарда техник сув билан ва ундан чиққандан кейин тоза ичимлик сув билан ювилади. Охирги ювишда ишлатиладиган мосламалар сувни пуркаб берувчи механизмлардан тузилган (16-расм).



**16-расм. Помидорни ювиш ва кўтариб бериш жиҳози**

Техник параметрлари:

- русуми: JY-XGJ
- ўлчамлари: 2100x810x1400 мм
- мотор қуввати: 1.5 кВт
- ишлаб чиқариш қуввати: 1 т/с
- материали: зангламайдиган металл

3. Кейинги босқич помидорни инспекциялаш жараёни, бунда помидор массаси таркибидаги турли хил бегона арашмалар ва қайта ишлашга яроқсиз хом ашёлардан тозаланади (17-расм).




**17-расм. Помидорларни инспекциялаш роликли транспортери**

Техник параметри:

- ўлчамлари: 3500x650x700мм
- қуввати: 0.7 кВт
- ишлаб чиқариш қуввати: 1 т/ч
- материал: зангламайдиган металл.

4. Инспекцияланган тозаланган помидорлар тирсакли майдалаш ускунасига узатилади (18-расм).




**18-расм. Тирсакли майдалаш ускунаси**

Техник тавсифи:

- ишлаб чиқариш қуввати: 2 т/с
- мотор қуввати: 1.8 кВт
- фрезнинг айланиш тезлиги: 310 об/мин.
- ўлчами: 850x610x900мм
- материал: зангламайдиган металл

5. Майдаланган помидор таркибидаги уруғ ва пустидан ажратиш учун қўшимча қиздириш усқунасидан ўтказилади (19-расм).



**19-расм. Майдаланган помидорни қиздириш усқунаси**


Техник параметрлар:

- ҳажми : 600 л
- ташқи диаметри: 1000 мм
- баландлиги: 2300 мм
- иситиш: электро-буғ
- чиқиш диаметри: 38 мм
- мотор қуввати: 0.75 кВт

#### ***Томат бўтқасини тозалаши усқунаси***

Томат ҳалими белгиланган стандарт талабларга кўра, шарбат таркибидаги уруғ ва пустидан тозаланган, тоза то-

мат шарбати бўлиши талаб этилади ва бу жараён махсус қирғичларда (протёрка) ўтказилади (20-расм).



**20-расм. Томат шарбатини тозалаш ускунаси**

Техник параметрлари:


- ўлчамлари: 2250 x770x 1300мм
- фрезни айланиш тезлиги: 860 об/мин
- ишлаб чиқариш тезлиги: 1.5 т/ч
- мотор қуввати: 3 кВт
- материал: зангламайдиган металл

6. Буғлатиш ускунаси. Буғлатиш ускунаси томат тайёрлаш тизимидағи энг мураккаб ва энергияни сарфловчи жиҳоз. Бу ускунада томат шарбати қуруқ модда миқдори 5,5-6%дан 28-32%гача етказилади (21-расм).



**21-расм. Буғлатиш ускунаси**

7. Стериллаш ва қадоқлаш жараёни. Томат шарбати буғлатилиб, куруқлик миқдори белгиланган кўрсаткичга келтирилгандан кейин улар стериллаб идишларга қадоқланади. Сўнги йилларда бу жараёнлар, яъни стериллизация ва қадоқлаш бир пайтни ўзида ўтказилиб (асептик стериллаш), турли ўлчамдаги пакетларга қадоқланмоқда (22, 23-расмлар).



**22-расм. Асептик стериллаш ва пакетларга қадоқлаш тизими**



**23-расм. Асептик пакет ва унинг қопқоғи**

### **Асептик қадоқлаш ускунасинининг техник тавсифи**

<b>Бутловчи кисмлари номи</b>	<b>Сони</b>
Йигувчи идиш	2
Винтли насос агрегата	2
Диаэратор	1
Вакуум насос	1
Асептик стерилизация қурилмаси	1
Асептик тўлдириш қурилмаси	1
Бошқарув асбоблари ва сигнализация	1
Технологик қувурлар, арматура ва биринтирувчи мосламалар	1

<b>Жараён номи</b>	<b>Бирлиги</b>	<b>Катталиги</b>
<b>1 Ишлаб чиқариш қуввати</b>	<b>кг/соат</b>	<b>1000-1500</b>
<b>2. Белгиланган қуввати</b>	<b>кВт</b>	<b>8-12</b>
<b>3. Ичимлик сувининг сарфи</b>	<b>м<sup>3</sup>/соат</b>	<b>1,5</b>
<b>4. Сув бугининг сарфи Р=0,7 М Pa</b>	<b>кг/соат</b>	<b>16-18</b>
<b>5. Сикқилган ҳаво сарфи Р=0,8 М Pa</b>	<b>м<sup>3</sup>/соат</b>	<b>1</b>
<b>6. Махсулотни ушлаш муддати</b>	<b>сония</b>	<b>20-60</b>

Юқоридаги 22-расмда келтирилган ассептик қадоқлаш қурилмаси, сўнгийилларда қишлоқхўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ замонавий усуллардан бири бўлиб, у асосан мева ва сабзавотлар концентратларини стериллаб қадоқлашда қўлланилмоқда. Бу усулни ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд, булар куйидагилардан иборат.

*Афзалликлари:*

- жараён тез кечади;
- идишдаги маҳсулотнинг сақлаш муддати ортади;
- ишчи кучи кам ишлатилади;
- шиша идишларга нисбатан нархи арzon;
- транспортировкаси енгил кечади.

*Камчиликлари:*

- жихозларни нархи юқорилиги;
- бундай идишларда тўғридан-тўғри сотувга чиқариш уларнинг ҳажми жиҳатдан нокулай;
- идишлар бир марта ишлатилади.

Қуйидаги 7-жадвалда микдори 10 тонна томат концентратини стериллаш ва қадоқлашда шиша идиш билан ассептик пакетларни солиштирма катталиклари келтирилган.

## 7-жадвал

### 10 тонна томат концентратини асептик пакет ва шиша идишларга қадоқлаш солиштирма катталиклари

№	Номи	Материал	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик нархи, сўм	Ҳаммасининг нархи, сўм	Жами, минг сўм	Иктиносидий самара, минг сўм	
1	Қадоқлаш идишлари ва материаллари	Шиша	1.литр	10 500 дона	500	5 250	7 988	6 633	
		Копқоқ		10 300 дона	200	2 060			
		Ерлик		10 100 дона	30	303			
		Урамлар		1 250 дона	300	375			
		Асептик пакетлар	220.литр	45 дона	10 000	450	1 355		
		Бочка		45 дона	20 000	900			
		Ерлик		45 дона	10	5			
	2 Бут сарфи	Шиша	кг/с	189	3 000	56 7000		512	
		Асептика	кг/с	18	3 000	54 000			
	3 Энергия сарфи	Шиша	кВт/с	60	145	8,7		6,96	
		Асептика	кВт/с	12	145	1,74			
	4 Сув сарфи	Шиша	м³/с	4	600	2,4		1,500	
		Асептика	м³/с	1,5	600	0,9			
	5 Стрелизация муддати	Шиша	соат	22					
		Асептика	соат	5					
	6 Ишчилар сони	Шиша	кишини	10	50 0000	5 000		3,500	
		Асептика	киши	3	50 0000	1 500			

Помидорни қайта ишлаб томат ҳалимини олиш жараёнида юқорида келтириб ўталган асосий ускуналардан ташқари бир нечта ёрдамчи ускуналар хам қўлланилиб, улар маълум бир ишлаб чиқариш қувватига асосланган бўлади. Куйидаги 8-жадвалда соатига бир тонна маҳсулотни қайта ишлаш линияси учун керакли асбоб ускуналар келтирилган.

## 8-жадвал

### Томат ҳалимини ишлаб чиқариш учун керакли жихозлар рўйхати

Номи	Параметрлари	Жихозлар сони
Ювиш ускунаси	1т/с	1
Инспекциялаш транспортёри	1 т/с	1
Узатиш элеватори	1 т/с	1
Майдалаш жиҳози	1.5 т/с	1
Қиздирниш ва совутниш жиҳози	600 л	2
Қирғич (протёрка) машинаси	1.5 т/с	1
Коллоид майдалагич	1 т/с	1
Винтил насос	2 т/с	3



<b>Смесительли идиш</b>	<b>0.6 т/с</b>	<b>2</b>
<b>Марказдан қочма насос</b>	<b>5 т/с</b>	<b>2</b>
<b>Буферлик идиш</b>	<b>0.6 т/с</b>	<b>1</b>
<b>Бүглатыш аппараты</b>	<b>1 т/с</b>	<b>1</b>
<b>Томат ҳалимсияни стериллаш жиһози</b>	<b>0.2 т/с</b>	<b>1</b>
<b>Идиш ва жиһозларни юваш станциясы</b>	<b>1 т/с</b>	<b>1</b>
<b>Тұлдирғычлар</b>		<b>1</b>
<b>Кувурлар</b>	<b>Ø25/Ø32</b>	<b>1</b>
<b>Сувни тозалаш жиһозлари</b>	<b>1 т/с</b>	<b>1</b>

## **6. МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО “GLOBAL GAP” СТАНДАРТИ, МЕВА-САБЗАВОТ МАХСУЛОТЛАРИНИ СЕРТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ**

Стандартлаштириш түшунчаси. Стандартлаштириш ҳақиқий мавжуд ёки содир бўлиши мумкин бўлган масалаларни ечишга, сифат эса белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Бунда стандартлаштириш бўйича фаолиятнинг энг муҳим натижалари маҳсулот (жараёнлар, хизматлар) нинг ўз вазифасига мувофиқлик даражасини ошириш, яъни белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлади. “Меъёрий хужжат” таркибига стандартлар ва техник шартлар киради. Меъёрий хужжатлар фаолият турларига оид тавсифларни ўрнатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг стандартлари илмий асосланган сифат меъёрларига эга бўлиши лозим. Стандарт сифат меъёрлари пасайтирилган ҳолларда маҳсулот сифатини оширишни рафбатлантирмайди. Синовларнинг ишончли ва оператив услугларининг йўқлиги маҳсулотнинг ҳақиқий сифатини баҳолаш имконини бермайди, шунинг учун стандартларни ишлаб чиқиша қишлоқ хўжалиги маҳсулотига хос барча хусусиятлар ҳисобга олиниши даркор.



*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати* – истъемол хусусиятлари йигиндиси бўлиб, ҳалқ хўжалиги ва ахолининг муайян эҳтиёжларини қондириш орқали белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатининг турлилиги туфайли стандартларда сифатнинг битта даражасини кўрсатиш билангина чекланиб бўлмайди. Бу ҳолатда етиширилган барча ҳосилни баҳолаш имконини берадиган сифат ва меъёр кўрсаткичлари белгиланиши лозим.

Шунинг учун Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти стандартларида маҳсулот сифатига талаблар товарлар навлари, турлари ва тоифаларига кўра табақалаб белгиланади.

Маҳсулот сифати ундан фойдаланиш йўналишларига кўра ҳам табақаланиши даркор. Айни бир маҳсулотнинг сифат кўрсатгичлари ундан бир мақсадда фойдаланилганда юқори деб, бошқа мақсадда фойдаланилганда паст деб топилиши мумкин. Масалан, арпа таркибида оқсилининг кўп бўлиши уни ем - ҳашак, маҳсулот тарзидаги қиммати ва сифатини оширади. Аммо пиво пиширишда унинг сифатини пасайтиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини белгилашда унинг истеъмол қийматини белгилайдиган турли табиий хоссалари ҳисобга олинади. Масалан, меваларнинг сифатига баҳо берилганда, унинг ташқи кўриниши (ўлчамлари, ранги, шакли, таъми, тўқималарнинг кўриниши каби бир қатор кўрсатгичлар), техник қиймати (ташиш ва қайта ишлашга мойллиги, заарланишга чидамлилиги ва бошқалар) ва истеъмол қиймати (озик – овқат, энергетик ва биологик) эътиборга олинади.

Истеъмол қиймати инсонларни озиқлантириш мақсадида ишлаб чиқилади. Маҳсулотларнинг озиқ-овқатлик қиймати унинг кимёвий таркибидаги озиқ моддалар миқдори билан белгиланади. Энергетик қиймати эса, уни хазм килгандан кейин ажralиб чиқариладиган иссиқлик энергияси билан

аниқланади. Махсулотнинг биологик қийматини унинг кимёвий таркибидаги оқсил белгилайди.

Махсулот сифати ва унинг шаклланишига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги махсулотлари сифатига қуидаги омиллар таъсир этади: Асосий омил – географик омил бўлиб, бунда махсулот етиштириладиган табиий ҳудуднинг (тупроқ ва иқлим шароити) ҳусусиятлари киради. Технологик омиллар дехқончилик маданияти ва махсулот етиштириш технологияси ҳам маълум даражада махсулотнинг сифатини шакллантиради. Биологик омиллар – янги нав ва гибридларни жорий қилиш ҳам махсулот сифатини шакллантиришда аҳамиятга эга. Шу билан бирга махсулотнинг сифати тайёрлаш пункти, материал-техника базасининг тараққиёт даражаси ва уни қабул қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиясига чамбарчас боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги махсулоти сифатига, юқорида айтиб ўтилган омиллардан ташқари, тупроқ-иқлим, географик шароитлар, шунингдек, помология нави, агротехник усуллар ва ҳосилни йиғишириш шарт-шароитлари, қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб ускуналарни қўллаш, йиғим терим машиналари техник тавсифи, ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ ишларни охирига етказиш – тозалаш, аниқ бир ўлчамга келтириш, ўраб жойлаш ва қуритиш кабилар ҳам таъсир этади.

Сифатли етиштирилган махсулот – уни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш мобайнида дастлабки хоссаларни йўқотиб, сифатсиз махсулотга айланиши мумкин. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги махсулотларининг сифат кўрсатгичлари махсулот етиштирилган шароитга, сақлаш ва бошқа ўтказилган қўшимча тадбирларга қараб турлича бўлади.

Қишлоқ хўжалиғи махсулотлари сифатини назорат қилиш. Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг сифати, уларни истъмолчига топширишда назорат қилинади. Бу жараён мах-

сулот қабул қилиш пунктларида амалдаги стандарт ва синаш усувлари ёрдамида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат қилишда қўлланиладиган ўлчаш воситаларига қараб, назорат турлари қуйидагиларга бўлинади:

*Ўлчаш усули.* Маҳсулот сифатини ўлчаб назорат қилиш маълум бир ўлчов асбоб – ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Ўлчаш усувлари қўлланиладиган усульнинг асосига қараб кимёвий, физик, биологик, механик, микроскопик, физик - кимёвий, технологик ва физиологик бўлиши мумкин.

*Органалептик усул.* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини аниқлашда асосий усул ҳисобланади. бу усулда инсоннинг сезги органлари (кўриш, таъм ва ҳид билиш, эшитиш, қаттиқликни сезиш ва бошқалар) ўлчаш асбоблари бўлиб хизмат қиласди.

*Қайд усули.* Маҳсулотни мунтазам равишда кузатиш ходисаларни, буюмларни ва харажатларни ҳисобга олиш қайд қилиш усулининг асоси ҳисобланади. Масалан, маҳсулотнинг қайтарилишида улардаги нуқсонларнинг сони ва ҳажми ҳисобга олинади.

*Ҳисоблаш усули.* Маҳсулотнинг бу усулда назарий ва эмпирик кўрсатгичларнинг маҳсулот сифат кўрсатгичлари билан боғланиш орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш усулидан маҳсулотни лойиҳалаштиришда фойдаланилади.

*Социологик усул.* Истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига берган баҳоларни йиғиши ва билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида унинг сифатига баҳо бериш усулидир.

*Эксперт усули.* Маҳсулотнинг сифат кўрсатгичлари мутахасис экспертларнинг қарорига асосан аниқланади. Кўпинча маҳсулотнинг сифатини объектив усувларда аниқлаш қийин бўлган тақдирда эксперт усульдан фойдаланилади. Бу усул масулот сифатини органалептик усулда аниқланган вақтда керак бўлади.

*Стандартлаштириши давлат тизими тушунчаси ва моҳияти.* Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз.СДТ) стандартлаштириш тармоқлараро тизими (СТТ) нинг таснифи бўйича I классга киради. СТТ алоҳида гурухлар (синфлар) га бирлаштирилган, тармоқлараро ташкилий-методик ва умумтехникавий асос бўлувчи меъёрий хужжатлар мажмуидан иборат. Ўз СДТ, стандартлаштиришнинг асосий вазифасидан келиб чиқкан ҳолда, фаолиятнинг барча соҳаларида тартибга туширишга қаратилган илий-техникавий фаолият сифатида, стандартлаштириш ишларининг ўзини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини белгилайди. Бунда Ўз СДТ, тизим сифатида, умумий ҳолда, “Бир-бiri билан муносабатда ва алокада булган, маълум бир бутунликни, ҳаракатда ягоналикини ташкил этувчи элементларнинг маълум тартиби ёки тўплами” тизим таърифидан келиб чиқади. Демак, Ўз СДТ “маълум бутунлик, ягоналиктан” иборат бўлиб, факат “ҳаракатда”, яъни доимий ва муттасил равишда мукаммалланиш, ривожланиш, долзарбланиш шароитларида ишлайди.

Ўз.СДТ меъёрий хужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, келишиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ўрнатади; меъёрий хужжатларни текшириш, бекор қилиш, қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартаришлар киритиш; маҳсулот ишлаб чиқаришни меъёрий хужжатлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, ташиш, сақлаш, харидга чиқариш, таъмирлаш, ишлатиш (истъемол қилиш), қайта фойдаланиш (утилизация); меъёрий хужжатларнинг илмий-техникавий даражасини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш ишларини ўтказиш усуллари; халқаро, давлатлараро, ҳудудий, хорижий стандартларни қўлланиш усуллари ва ҳ.к. тартибини ўрнатади.

Уз СДТ, ҳар қандай тизим каби, ташкилий, ҳуқуқий, таснифлаш, атамалар ва таърифлар, назарий асосларга таянади.

*Стандартлар таснифи ва тузилиши.* Бир тизимга солиш ва қўлланишининг қулиялиги учун давлат стандартлари бўлимлар, синфлар гурухларга бўлинади. Бўлимларга асос қилиб халқ хўжалиги тармоқлари олинган бўлиб, уларнинг

ҳар бири кириллнинг бош ҳарфларидан бирининг индекси бириктирилган. Масалан, озиқ-овқат ва таъмли маҳсулотлар – индекс Н, Қишлоқ хўжалиги – индекс С. Бўлимлар доирасида стандартлар 0 дан 9 гача бўлган рақамларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини қўллаган холда, ўнлик тизим бўйича синфлар ва гурухларга бўлинади.

Стандартларнинг С (қишлоқ хўжалик) бўлими бўйича таснифланиши 9-жадвалда келтирилган.

### 9-жадвал

#### Стандартларнинг С (қишлоқ хўжалик бўлими) бўйича таснифланиши

Класси	Номланиши	Класси	Номланиши	Класси	Номланиши	Класси	Номланиши
<i>C0 Класси. К/х бўйича умумий қоидалар ва нормалар.</i>	<i>C1 Класси. Дала экинлари</i>	<i>C2 Класси. Техника экинлари</i>	<i>C3 Класси. Мевалар ва резавор мевалар</i>				
C00 Атама ва белгилар	C10 Таснифлаш, номенклатура ва умумий нормалар	C20 Таснифлаш, номенклатура ва умумий нормалар	C30 Таснифлаш, номенклатура ва умумий нормалар				
C01 Техник хужжатлар	C11 Дала экинлари уруғлари ва экиш материаллари	C21 Техника экинлари уруғлари ва экиш материаллари	C31 Мева ва резавор мевалар уруғлари ва экиш материали				
C02 Ҳисоб қитоб ва агротехника меъёrlари	C12 Доили экинлар	C22 Толали экинлар	C32 Урут мевалилар				
C07 Ҳаффизлик техникаси	C13 Дуқакли экинлар. Тамгалаш.	C23 Мойли экинлар	C33 Данак мевалари				
C08 Қўлланиниш ва фойдаланиш	C14 Озука ўтлар	C24 Қандли экинлар	C35 Резавор мевалар				
C09 Синов услуглари Кадоқлаш, Тамгалаш	C15 Омикта ем ва бодшка воситалар	C25 Гиёхванд, кушбўй, хидди, ўтири ва серасал ўсимликлар	C39 Синов услуглари. Кадоқлаш Тамгалаш				
	C19 Синов услуглари Кадоқлаш	C26 Бўёвчи ошловчи ўсимликлар					
		C27 Каучикили ўсимликлари					
		C28 Сув ўтлари					
		C29 Синов услуглари Кадоқлаш Тамгалаш					
<i>Изоҳ: C4 - Сабзавот экинлари ва гулларга, C5-асаларичилтика, C6-ипакчилтика, C7-чорвачилтика, C8-дончиллик, овчилик ва балиқчилтика, C9-ўрмон хўжалиги ва агроўрмон мелиорациясига багишланган.</i>							

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) 1946 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг стандартларини мувофиқлаштириш бўйича БМТ Кўмитасининг мажлисида яратилган. Шу йилнинг ўзида Бош ассамблеяниң мажлисида ИСО нинг Устави қабул қилинди. Бу Устав ташкилотнинг статуси (хуқуқий мавқеи) ни, тузилмасини, асосий идоралар вазифалари ва иш усулларини белгилади.

14 октябрь 1946 – йилда бўлиб ўтган ИСО Бош ассамблеяси қабул қилган қарорига кўра, бу ташкилот Устав ва процедураларнинг Қоидалари 15 та стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар томонидан ратификация қилинган (тасдиқланган)дан кейин ўз фаолиятини расмий равишда бошлайди, деб кўрсатилган. 15 – ратификация 23 февраль 1947 – йилда Даниядан келди – бу сана ИСО нинг ташкил этилиш куни деб ҳисобланади.

ИСО нинг Уставида ёзилишича, “Ташкилотнинг вазифаси халқаро мол алмашиниш ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш, шунингдек интеллектуал, илмий, техник ва иқтисодий фаолият доирасида ҳамкорликни кенгайтириш учун бутун дунёда стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат”

ИСО нинг идоралари вазифаси, халқаро стандартларни яратиш. ИСО нинг асосий фаолият тури халқаро стандартларни яратишдан иборат. Шунинг учун бу ташкилотнинг асосий бўлими Техник кўмиталардан иборат. Хозир 187 техник кўмиталар бор, жами ишчи идоралар: техник кўмиталар, кичик кўмиталар сони 552 та, ишчи гурухлар – 2100, умумий хисобда 2858 та идоралар фаолият кўрсатмоқда.

ИСО халқаро стандартлари мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат бу стандартларни бутунлигicha, айrim бўлимларини қабул қилиши ёки умуман кўлланмаслик хуқуқига эга.

Халқаро электротехник комиссия. Электротехника соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича ишлар 1881 – йилда бошланган. Бунда Электр бўйича биринчи халқаро конгресс тузилди. 1904 – йилда Сент-Луисда (АҚШ) ҳукумат вакилларининг Электр бўйича халқаро конгресси мажлисида электр машиналар атамаларини ва параметрларини стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи маҳсус идора тузиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай идора – Халқаро электротехник комиссия (МЭК) расмий равишда 1906 – йилда Лондонда 13 мамлакат вакилларининг конференциясида тузилди.

1946 – йилда ИСО тузилди ва унга МЭК ўзининг молијавий ва ташкилий масалаларда мустақиллигини сақлаган ҳолда алоҳида ҳуқуқлар билан қўшилди.

Бу ташкилотларниң секретариатлари ҳудудий жиҳатдан бир бинода Женевада жойлашган.

ИСО ва МЭК нинг фаолият соҳалари аниқ чегараланган – МЭК электротехника, электроника, радиоалоқа, приборсозлик соҳасида, ИСО эса қолган барча соҳаларда стандартлаштириш билан шуғулланади.

Мамлакатлар ўзларининг миллий қўмиталари билан МЭК да қатнашади. Миллий қўмиталар саноатнинг барча соҳалари манфаатларини ифодалайди. Кўпчилик мамлакатларда бундай миллий ташкилотлар қатнашади. Бу билан бир қаторда баъзи мамлакатларнинг МЭК да қатнашувчи миллий қўмиталар стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлардан мустақил равишида фаолият юритади (масалан, бундай мамлакатларга Франция, ГФР, Италия, Бельгия ва б. киради).

Хозирги вақтда 41 миллий қўмита МЭК аъзосидир. Бу мамлакатларда жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 95 % ни истеъмол қилувчи ер шарининг 80% аҳолиси яшайди. Булар асосан саноати ривожланган мамлакатлар. Шунингдек саноат тармоқларига эга бўлган ривожланиб келаётган қатор мамлакатлардан иборат. МЭК нинг расмий тили – инглизча, французча ва русча.

МЭК нинг асосий вазифаси юқорида номи келитирилган соҳаларда Халқаро стандартларни яратишдан иборат.

МЭК техник идораларининг тузилмаси ИСОдаги каби: техник қўмиталар (ТҚ), кичик қўмиталар (КҚ) ва ишчи гурухлар (ИГ) дан иборат. Умуман, МЭК да 80 дан ортиқ ТҚ бор бўлиб, буларнинг бир қисми халқаро умумтехник ва тармоқлараро характердаги стандартларни (масалан, атамалар бўйича, график тасвиirlар, стандарт кучланишлар ва частоталар, иқлим синовлари ва б.), бошқа қисми эса, маҳсулотнинг муайян турлари учун (трансформаторлар, электрон техника буюмлари, майший радиоэлектрон аппаратлари ва б.) стандартларни ишлаб чиқади.

МЭК стандартларини яратиш процедураси унинг Устави, Процедура қоидалари ва техник ишлар бўйича Умумий директивалар томонидан белгиланади. Ҳар 1-1,5 йилда ТҚ (КҚ) мажлисларида ўз ишларининг дастурларини тузади (ёки тўғрилайди). Ҳар йили МЭК дастурига 500 гача ва ундан ҳам ортиқ янги, халқаро стандартларни яратишни кўзда тутувчи мавзулар киритилади. МЭК/ИСО ишлаб чиқсан ва 1990 йил 1 февралдан амалга киритилган Директиваларга мувофиқ амалдаги стандартни қайта кўриб чиқиш янги мавзуни ишлаб чиқиши каби қаралади.

ИСО каби, 1972 йилда МЭК ўз тавсияномаларини халқаро стандартлар деб номлади.

Хозирги вақтда 2 мингдан ортиқ халқаро МЭК стандартлари яратилган, бунда МЭК стандартлари ўзларида маҳсулотга ва маҳсулотни синаш методларига техник талабларнинг мавжудлиги нуқтаи назардан ИСО стандартларига нисбатан анча тўлиқ тузилган бўлади. Буни, бир томондан, МЭК нинг фаолият соҳасига кирган мҳсулотга талабларда хавфсизликка оид талаблар асосий ҳисобланиши билан тушунириш мумкин. Бошқа томондан эса, кўп ўн йилликлар давомида тўпланган иш тажрибаси стандартлаштириш масалаларини анча тўлиқ ҳал қилишга имкон беради.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатларо кенгаш. Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 – йилда МДҲ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатларо кенгаши (ДАК) тузилди.

МДҲ мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 13 март 1992 –йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Битимга имзо чекдилар.

Бу Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДҲ да қуидагиларни таъминлашга қаратилган:

– ягона меъёрий база – давлатларо стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўлланиш ва ривожлантириш;

– ягона этalon база ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вакт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатларо хизматларини шакллантириш;

– маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техниковий комиссиялари (ишчи гурӯхлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатларо ТҚ томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гурухлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида хукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг Кенгаши, шунингдек стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТҚ доимий ишламоқда. Хозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича Бюородан иборат. Кенгашни ротация асосида ДАК аъзо-мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қатор хукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДҲ мамлакатлари хукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган.

EASC имзоланган келишув (битимлар) га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASC нинг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш хуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай хуқуқдан EASC нинг аъзо-давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан қатъий назар, фойдаланади.

Хозирги вақтда МДҲ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий хужжатлар бор. 1992 – йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларининг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишида уларнинг талаблари халқаро, худудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДҲ мамлакатлари-

нинг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

**GLOBALGAP (EUREPGAP)** – бутун жахон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаш ва сертификатлаштириш бўйича халқаро хусусий идора.

Мазкур идора (*EUREPGAP*) – *Euro-Retailer Produce Working Group* - озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси масалалари бўйича европа ишчи гуруҳи) томонидан 1997 йилда Германияда ташкил этилган. GLOBALGAP нинг асосий фаолият тури бутун жахон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларига стандартлар ишлаб чиқиш ва сертификатлаштиришга талабларни ўрнатишидир. Бу идоранинг асосий бошқарув таркиби Раис, Котибият, Миллий техник ишчи гурух, Сертификатлаштириш ва бошқа соҳалар бўйича техник қўмиталардан иборат.

Хозирги кунда GLOBALGAPга жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлат ва озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчи йирик фирма, корхона ва уюшмалар аъзо ҳисобланади.

GLOBALGAP халқаро стандартларини жорий этиш мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат бу стандартларни хусусий идорага аъзо бўлиш ва келишув орқали бутунлигicha ёки айрим бўлимларини қабул қилиши мумкин.

**Қишлоқ хўжалигида GLOBAL G.A.P стандартини жорий этишнинг ўрни ва аҳамияти.** XX - аср охирларига келиб европада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда долзарб муаммолар юзага кела бошлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарда ўз бизнесида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдидларни минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шу тариқа юзага келган стандарт ЕурепГАР: (Euro-RetailerProduceWorkingGroup) – озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси масалалари бўйича европа ишчи гурухи ва GAP (Good Agricultural Practice) -Қишлоқ хўжалигини яхшилаш амалиёти номини олди.

GLOBALGAP – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган, агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган меъёрий хужжатдир.

GLOBALGAP стандарти EUREPGAP (бутун жаҳон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига стандартлар, сертификатлаштиришга талабларни ўрнатувчи хусусий идора) томонидан чоп этилади.

Ушбу стандартнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнининг барча жабҳаларини кузатиш орқали уларни етиштириш даврида сифатига салбий таъсир этувчи омиллар ва хавф-хатарлар даражасини минималлаштиришдан иборатdir.

GLOBALGAP стандартининг таркибий тузилмаси 24–расмда келтирилган.

XX аср ўрталарида ишлаб чиқилган НАССР (Hazard Analysis and Critical Control Point — киритик назорат нуқталари ва хавф хатарлар таҳлили) тизимидан фойдаланган ҳолда GlobalGAP стандарти озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизилгини ошириш мақсадида қўлланма сифатида яратилди.

Унинг асосига қуйидаги тамойиллар киритилган:

– *Хавф-хатарлар (хавфли омиллар) таҳлилини ўтказиши.*

Жараён таркибидаги операциялар рўйхатини тайёрлаш, қўлланиладиган назорат усулларини баён этиш, аҳамиятга эга бўлган хавф-хатарларни юзага келиши мумкин бўлган босқичларни аниқлаш лозим. Хом-ашёни олишдан бошлаб то якуний маҳсулотгача бўлган барча босқич жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг блок-схемаси тузилади. Схема тузилганидан сўнг, ҳар бир босқичда юзага келиши мумкин бўлган барча мавжуд хавфли омиллар идентификацияланади яъни бунда аҳамиятга эга хавфларни аниқлаш учун хавф-хатарлар даражаси аниқланади ва уларни назорат қилиш учун зарурий чора-тадбирлар баён этилади. Бу хавф-хатарларни таҳлил қилиш НАССР тизимида асосий босқичи бўлиб ҳисобланади.



Изоҳ:



Аудит жараёни



GlobalGAP бошқа стандартлари



Асосий тармоқ стандартлари



Ўсимликшунослик тармоқости стандартлари



Чорвачилик тармоқости стандартлари



Балиқчилик тармоқости стандартлари

## 24-расм. GlobalGAP стандартининг таркибий тузилмаси

– *Критик назорат нуқталарини (КНН) ўрнатиш.* Хавфли омиллар таъсири эҳтимоллигини минимумга келтириш ёки қайтарилимага учун назорат қилиниши зарур бўлган жараён босқичлари ва операциянинг критик нуқтаси аниқланади.

– *Параметрларнинг юқори қийматлари (критик чегаралари)ни ўрнатиш.* Ҳар бир аниқланган КНН бўйича назорат чора-тадбирлари қўлланилади.

– *КНН назорат қилиши учун мониторинг тизимини ишлаб чиқиши.* КНН назорат қилиш процедурасини, кузатиш ва ўлчашларнинг даврийлик тизимини, яъни ўрнатилган чегаралар доирасида КНН ҳолатини тасдиқлаш мақсадида аниқлаш лозим. Режалаштирилган синовлар ёки ўлчашлар ёрдамида критик назорат нуқталарини назорат қилиш имконини берувчи мониторинг тизими яратилади.

– *Назоратдаги КНН у ёки бу чегарадан чиқишилари тўғрисидаги мониторинг натижаларига мувофиқ қўлланиладиган тўғриловчи амалларни аниқлаши.* Ушбу таомилга мувофиқ тўғриловчи амалларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш учун жавобгарларни қайд этиш зарур.

– *НАССР тизими ҳаққоний ишлашини тасдиқловчи ве-рификатлаши (текшириши) процедурасини ишлаб чиқиши.*



Тўғриловчи амаллар ва технологик операцияларни хужжатлаштириш ва юритиш учун жавобгарларни тайинлаш лозим. Бундан ташқари НАССР тизимининг самарадорлигини тасдиқлаш имкониятини берувчи текшириш процедурасини ишлаб чиқиш керак.

– Ушибу тамойилларга тааллуқли барча процедураналар ва ёзувларни тасдиқлаш ва уларни қўллаш. Параметрларнинг юқори қийматидан ихтиёрий оғишлар бўйича ҳаққоний тўғриловчи амалларни қўллаш тўғрисидаги ва НАССР тизимининг ишлаши назорат остидалиги тўғрисидаги ёзувларни юритиш. Бундай хужжатни расмийлаштириш хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни далолатлаш бўлиб ҳисобланади.

### **GlobalGAP стандартини жорий қилиш қуйидаги босқичларидан иборат:**

- Маҳсулот етиштирувчи хўжаликнинг холати таҳлили. GlobalGAP талабларига мувофиқликка дастлабки аудит ўтказиш;
- GlobalGAP стандарти талабларига мувофиқ дастлабки аудитни ўтказиш;
- Хўжалик ишчиларини GlobalGAP талаблари билан таништириш учун “Таништирув” ўқув семинарини ўтказиш. GlobalGAPни жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши;
- стандарт талабларига мувофиқ зарур хужжатлар тизимини жорий қилиш;
- етиштириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хавфни ҳамда уларни юзага келишини олдини олувчи (гигиеник, экологик, кимёвий, биологик, физикавий ва х.к ) усулларни аниқлаш ва баҳолаш;
- етиштиришнинг барча жабҳаларидаги зарур агротехник тадбирлар босқичларини рўйхатга олиш тизимларини жорий қилиш;
- фермер хўжалик худудида GlobalGAP талабларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ишларини ташкиллаштиришда маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

– GlobalGAP талабларига мувофиқ мәжнатни мұхофаза қилиш қоидалари, экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқарышда санитария меъёр қоидаларини жорий қилишда маслаҳаттар бериш;

– идентификатлаштириш ва кузатиши тизимини ишлаб чиқиши, маҳсулотта берилған баҳо бүйича процедураларни жорий қилиш;

– GlobalGAP талабларига мувофиқ ички аудит ўтказиши;

– GlobalGAP бүйича Сертификатлаштириш идорасынша ариза бериш, мустақил сертификатлаштириш идорасынан сертификатлаштириш аудити ўтказиши даврида маслаҳат күрсатиши;

Барча босқичларда ходимлар ўқитилади.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини назорат қилишнинг муқаддам қабул қилинган тизими етарли даражада самара бермаганлиги сабабли тайёр маҳсулотта эмас балки, маҳсулот етиштириш технологиясини сертификатлаштиришнинг тан олинган янги GlobalGAP сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим маҳсулоттарда заарали кимёвий моддалар йиғилиши ҳамда уларни микробиологик ва механик ифлосланишдан ҳимоялаш шароитларини яратади.

**GlobalGAP сертификати** – аниқ бир қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш даврида сифат ва хавфсизлик бүйича ўрнатилған барча талаб ва тавсияларни тўлиқ бажарилғанлиги кафолати ҳисобланади.

GlobalGAP сертификатлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш давридаги барча агротехнологиялар устидан тўлиқ текширишни назарда тутилади. Маҳсулотни етиштириш агротехнологиясига қуйидагилар киради:

- тупрок;
- уруғ/кўчатларга оид материаллар;
- ўғитлаш тизими;

- сугориш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишни интеграллашган тизими;
- ҳосилни йиғишириш;
- йиғим-теримдан кейинги ишни якунлаш;
- маҳсулотни сақлаш;
- ходимларни квалификацияси;
- меҳнат гигиенаси ва техника хавфсизлиги;
- техника ҳолати;
- маҳсулотни кузатиш;
- атроф мухитни муҳофазалаш.

GlobalGAP сертификатлаштириш тизими қишлоқ хўялиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларни 10-жадвалда келтирилган бир қатор устунликлар билан таъминлайди.

## 10-жадвал

### GlobalGAP сертификатлаштириш тизимининг маҳсулот етиштирувчига берадиган устунликлари


Устунликлар	Изоҳ:
1.Тизимли ёндошиш	Процедура ва жараёнларни аниқ идентификатлаш ҳар қандай турдаги бизнесга ижобий таъсир кўрсатади. Етиштирувчи хўжаликни бошқаришининг барча нуқтам назарлар йигинидиси ва комплекс тушунчаларсиз самарали бошқариб бўлмайди.
2.Буюртмачининг ишончи	Маҳсулот буюртмачининг (қайта ишлаш, ултурчи ва чакана савдо корхоналари) сотиб олаётган маҳсулоти сифати ва хавфсизлигига бўлган ишончи узок муддатли ҳамкорлик йўлидир.
3.Истеъмолчининг ишончи	Истеъмолчининг маҳсулот сифати ва хавфсизлигига бўлган ишончи чакана савдо корхоналари билан бир қаторда ушбу йўналишдаги бозор секторининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.
4.Хавф-хатарни бошқариш	Маҳсулотнинг заарланиш/ифлосланиш эҳтимолини камайтирган ҳолда, атроф мухитни, маҳсулот етиштиришдаги санитария гигиенасини яхшилашга ёрдам беради.
5.Раҳбариятнинг жавобгарлиги	Хавфсиз маҳсулотни етиштириш ва етказиб беришга кулагаш шарт шаронтлар яратилишини таъминлайди.



6.Үзаро алоқалар самарадорлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизими, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоғидаги корхоналар, назорат қылувчи ва буюртмачиларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтиришга имкон беради.
7.Рўйхатга олиш	Рўйхатга олиш тизими маҳсулот етиштириш жараёни устидан назорат қилиш самарадорлигини ошириб, назорат органи билан алоқаларни енгиллаштиради.
8.Қонунчиллик томондан химояланishi	Кўпчилик жаҳон давлатларда GlobalGAP тизими озиқ-овқат тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқариш ва хавфсиз маҳсулотни етказиб беришнинг самарали қуорли хисобланади.
9.Сифат менежментининг барча тизимларига мослиги	GlobalGAP тизими сифат менежменти тизимлари билан мослиги: Масалан, BRC, IFS, ISO 9001:2008 стандарти тизимлари билан мос ва миллий қонунчилликка зид эмас.
10.Европа бозорларига чиқиш	Кўплаб европа савдо мажмуалари GlobalGAP сертификатлаштириши тизими билан ишлаб келади. Сертификатланмаган маҳсулотларни бозорга чиқишни олдини олиб, сертификатлаштирилган маҳсулотларни сотилишига кўмаклашади.
11.Савдодаги фойда	GlobalGAP тизими бўйича маҳсулотга олинган сертификат ички ва ташки бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашда рақобатлашадиган компанияларга устунлик беради.

Халқаро амалиёт тажрибаси GlobalGAP сертификатлаштириш тизимига ўтишни афзалликларини тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлигининг ишончли даражада ошгани ҳамда маҳсулот соҳталаштирилиши хавфи пасайишини кўрсатди, шунингдек мувофиқликни тасдиқлаш жараёнига йўналтирилган сарф харажатларнинг камайиши таъминлади.

Ушбу тизим халқаро ҳамжамиятда сифатни таъминловчи ягона умумлашган тизимни киритишга, маҳсулотнинг бутун ҳаракатланиш йўлини қамраб олишни таъминлашга, кўп марта такрорланувчи сифат аудитини олдини олишга, сохталаштириш имкониятини йўқ қилишга ва истеъмолчиларнинг ўсиб борувчи талабларини қондириш даражасини оширишга ёрдам беради. Дунё бўйича GlobalGAP стандартини жорий қилиш орқали сертификат олган ташкилотлар сони йил сайн ўсиб бораётганлигини 25-расмда кўришимиз мумкин.



### **25-расм. GlobalGAP стандартини жорий этиши динамикаси**

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги махсулотлари сифати ва хавфсизлигига этиштириш давридаги турли хил салбий омилларни таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида GlobalGAP стандарти қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятида мазкур стандартни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи груп тузилиб, GlobalGAP асосидаги миллий стандартлар қабул қилинган. Масалан, ChileGAP – Чили миллий стандарти, AMAGAP - Австралия миллий стандарти, QS-GAP – Германия миллий стандарти, New Zealand - Янги Зелландия миллий стандарти, JGAP - Япония миллий стандарти, CHINAGAP – Хтой миллий стандарти ва бошқалар.

Хозирги пайтда республикамизда қишлоқ хўжалиги махсулотларини этиштириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғулаштирилган меъёрий хужжатлар мавжуд эмас.

Бу ҳолат халқаро (Европа) бозорларда истеъмолчилар томонидан GlobalGAP сертификати талаб этилаётган даврда, ушбу стандарт республикамиз фермер хўжаликларининг эъ-

тиборидан четда қолиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлишда тўсиқларни юзага келтириши мумкин.

Ҳозирги вақтда Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг GlobalGAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофик.

Ўзбекистонда GLOBAL G.A.P стандартини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар. Ўзбекистон Республикаси фақат ўзи етиштираётган пахта толаси билан эмас, балки бутун дунё халқлари яхши кўриб истеъмол қиласиган мевалари, узумлари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан машҳур бўлиб, уларнинг кўпгина турлари ва навлари бошқа мамлакатларда учраймадиган хаммани ўзига тортадиган таъми ва хушхўрлиги билан алоҳида ажralиб туради. Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари иқлим шароитининг жуда қулийлиги туфайли мана шундай ноёб бўлғанлиги учун ҳам жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида юқори даражада рақобатбардошdir. Масалан, Ўзбекистонда етиштириладиган узум навлари таркибидаги шакар моддаси 18–30 фоизни ташкил этади, помидор таркибидаги қурук моддалар микдори эса 5,5 фоиздан ошадики, бу европалик ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотларидан анча юқори бўлиб, шуниси билан харидорни ўзига тортади.


2011 йилда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2010 йилдагига нисбатан 6,6 фоиз микдорида кўп етиштирилди.

Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмида экспортнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маҳсулот экспорт қилиш қиймати унинг ҳажмига нисбатан ўсганлиги мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотига талаб жаҳон бозорида ортиб бораётганигидан дарак беради. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини ошириш ва уни жаҳон бозорлариға чиқариш масалаларида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, шулардан бири Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти салоҳиятини ошириш йўлида фаолият олиб бораётган корхоналар сўнгги йилларда халқаро бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи халқаро тан олинган “Global GAP” сертификати талаб этилаётганигига гувоҳи бўлишмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқаро бозорларга чиқишида тўсиқларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолат жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бозорининг талабини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда GlobalGAP стандартига мувофиқ менежмент тизимини жорий қилиш ва уни асосида маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳамда маҳсулотларини етиштириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғулаштирилган меъёрий хужжатларни қўллашни талаб этади.

Ушбу вазифани ҳал этиш учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик ва корхоналарда GlobalGAP стандартини жорий этиш зарур бўлади. Мазкур стандартни Ўзбекистонда жорий этиш учун 26-расмда келтирилган усулни қўллаш тавсия этилади.



**26-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда халқаро GlobalGAP стандартини жорий этиш усули**

Ўзбекистонда GlobalGAP стандартини жорий қилиш ва уни асосида маҳсулотларни сертификатлаш жараёнлари ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини халқаро талабларга мувофиқ самарали назорат қилиш масалаларини ҳал этишда бир қатор қийинчилликлар мавжуд. Масалан, халқаро талабларга жавоб берадиган синов марказ-

лари ва лабораториялар етишмаслиги, GlobalGAP стандарти бўйича сертификатлаштириш идорасини йўқлиги ва малакали мутахассисларни етишмаслиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини янада ошириш ҳамда уни экспорт қилиш имкониятларини ривожлантириш мақсадида шунингдек, юкорида келтирилган мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда 11-жадвалда келтирилган чора-тадбирлар режасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

## 11-жадвал

### Ўзбекистонда GlobalGAP стандартига мувофиқ менежмент тизимини жорий қилиш ва уни сертификатлаштириш бўйича чора тадбирлар режаси

№	Чора тадбирларнинг номи	Иштирокчилар	Эришиладиган натижалар
1	“Global GAP” ни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи гурӯхни тузиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзстандарт агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, экология қўмитаси, Савдосаноат палатаси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси	“Global GAP” ни моҳияти ва аҳамиятини тадқик қилиш, стандартни жорий қилган давлатларни зришган натижалари ва жорий қилиш таҳрибаларини ўрганиш. “Global GAP” ни дастлабки таржимасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.
2	Global GAP’ни миллий стандарт сифатида қабул қилиш.	Ўзстандарт агентлиги ва мағафатдор ташкилотлар	O’z DSt ISO/IEC 21:2001 талабларига мувофиқ миллий стандарт сифатида қабул қилиш ва жорий қилиш тўғрисида карор қабул қилиш.
3	Фермер хўжаликларининг “Global GAP” ни жорий қила олиш истиқболини ўрганиш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзстандарт агентлиги, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси	Фермер хўжаликларини “Global GAP” стандарти талабларига тайёргарларлари бўйича ўрганишларни олиб борин, таҳлил қилиш ва тегишли хуласаларни тайёрлаш.

4	“Global стандартини GAP” жорий килиш.	Ўзстандарт агентлиги, консалтинг корхоналар	“Global GAP” стандартини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш.
5	“GlobalGAP” стандарти бўйича сертификатлаштириш идорасини ташкил этиш ва тупроқ, сув, ҳаво ва ўғит миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳдил қилиш бўйича синов лабораторияларини таомиллаштириш.	Ўзстандарт агентлиги	“Global GAP” стандарти асосида сертификатлаштириш идорасини ташкил этиш ва уни ISO 65 талабларига мувоффик аккредидаш. Синов лабораторияларни зарур замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва ISO 17025 талабларига асосида аккредитлаш.
6	“Global GAP” стандарти талаблари асосида иш юритувчи мутахассисларни тайёрлаш.	Олий ўкув юртлари, СМСИТИ, ҳалқаро ёки миллий консалтинг корхоналар	Ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида “Global GAP” стандарти талаблари асосида иш юритувчи мутахассисларни тайёрлаш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 августдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги 1002 – сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 14.06.1991 й. N 285-ХII (янги таҳрири) 26.05.2000. N 77-II.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, Тошкент, 26.11.2006.й
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майда “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳакида»ги 86 – сонли қарори.
5. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Ўзбекистон: Тошкент, 2009й., 486 б.

6. Global G.A.P (EurepGAP) контрольные точки и критерии соответствия интегрированная система безопасности и качества сельскохозяйственного производства. Введение, код: IFA 3.0-2 CP, версия: V.3.0-2\_Sep 07, 33 с.
7. O'z DSt ISO 22000:2010 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менеджменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар”
8. O'z DSt ISO 9000:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Асосий қоидалар ва лугаг”.
9. O'z DSt ISO 9001:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Талаблар”.
10. O'z DSt ISO 9004:2009 “Сифат менеджменти тизимлари. Фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар”.
11. O'z DSt 1.14:1999 “Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Меъёрий хужжатларни жорий килиш тартиби”.
12. O'z DSt 1.7:1998 “Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Бошқа давлатларнинг давлатлараро, миллий стандартлари ва меъёрий хужжатларини қўлланиш тартиби”.
13. O'zDSt ISO/IEC 21:2001 “Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Халқаро ва худудий стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш”.
14. Абдувалиев А.А и др. “Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управление качеством”, Ташкент 2007г., 555 с.
15. Абдуллаев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Собиров М.З. “Основы стандартизации, сертификации и управления качеством”, учебное пособие, Тошкент, из-во “Fan va texnologiya” 2005г., -535с
16. Ахмедов Б.М., Исматуллаев П.Р., Туробжонов С.М., Юсупов Э.Д., Тураев Ш.А., “Основы системы менеджмента качества”, изд-во ИПТД «Узбекистан», - Ташкент, 2009г., –208 с.
17. Б.Д.Юсупов, А.А.Джуманов, О.И.Соатов, Ш.А.Тўраев, “Агросаноат мажмуи корхоналарида сифат менежментини ташкиллаштириш”, ўқув-услубий қўлланма Тошкент, 2011й., 92б.
18. Бўриев X., “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш, метрология ва сертификациялаш асослари”, Мехнат: Тошкент, 1999й., -146 б.
19. Ж.Каттаходжаев, “Ўзбекистонда халқаро стандартларни қўлланиш амалиёти”, “STANDARD” илмий-техника журнали 2010 й, 4-сон, 5-6 б
20. Исматуллаев П.Р. ва бошқ. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”, Тошкент, 2001й., -360 б.
21. Мировая экономика: учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Вкесшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- 581 с.
22. Мухитдинова У.С. Иқтисодий муносабатларни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорининг ривожланиши ва



унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш. 08.00.04 – “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:2010.

23. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Ҳалкаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.

24. Никифоров А.Д. “Управление качеством”, учебное пособие, Москва, 2004г., 720 с.

25. П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Тўраев, О.Адилов, Б.Х.Исмоилов “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда GlobalG.A.P стандартини жорий этишнинг аҳамияти” “STANDART” илмий-техника журнали 2011 й., 1-сон, 6-8 б.

26. Р.О.Маҳмудов, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат килиш ва стандартлаштириш”, Тошкент, “Илмзиё” нашриёти - 2006 й., 136 б.

27. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологияга оид норматив-хукукий хужжатлар тўплами. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008й., 264 бет.

28. Техник жиҳатдан тартибга солиш: амалиёт, муаммо ва истиқболлари. И.И. Насиров таҳрири остида, Ўзбекистон стандарт, 2011й, 160 б.

29. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқовқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-I – сонли қонуни.

30. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

31. Экспорт фаолияти бўйича қўлланмана. Экономическое обозрение. Тошкент 2007.

32. [www.globalgap.org](http://www.globalgap.org)

33. [www.standart.uz](http://www.standart.uz)

34. [www.logistika.uz](http://www.logistika.uz)

35. [www.railway.uz](http://www.railway.uz)

36. [www.uzairways.com](http://www.uzairways.com)

37. [www.customs.uz](http://www.customs.uz)

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК  
ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ” ЛОЙИҲАСИ**

**“МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА  
ИШЛАШ ВА САҚЛАШ ШАРТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ,  
ХЎЛ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР  
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАР  
МАРКЕТИНГИ” БЎЙИЧА**

**ҚЎЛЛАНМА**

E-mail [tipografiyacnt@mail.ru](mailto:tipografiyacnt@mail.ru)

“TAFAKKUR” нашриёти.

Нашриёт лицензияси 08.12.2010 йилда берилган. АИН№182

Босишига руҳсат этилди 16.01.2016.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . “Times New Roman” гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Нашриёт босма табоғи 5. Адади 400 нусха.

**“O‘QUV TA’LIM-METODIKA” ДУК**

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй.